



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боларимиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик қилганлари, бу дийрда таълим олиб, янги ғоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биларимиз”.

(Президентимизнинг жорий йил 20 февраль кунги Туркия Республикаси Президенти давони халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидан кутидан).

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqarilgan * Elektron manzil: gzhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 26-fevral, chorshanba * № 9 (1173)

ТИЛЛОГА ТЕНГ ТИЛИМИЗНИНГ ТАҚДИРИ



“Давлат тили ҳақида”ги қонун чиққанидан буён ўттиз йил, мустақиллик қўлга кирганидан бери икки кам ўттиз йил ўтибди ҳамки, озод элимизнинг озод тилида тўлақонли иш юритишга муяссар бўлмаймиз. Чунки аксар одамларга давлат тили тушунчасининг ўзи бегона, қорин тўқ, бештавиш яшайдан бошқа гами йўқ.

⇒ 3-5 бет



БАҲОР, СОҒИНТИРИБ КЕЛИШИНГ ЯХШИ

Қоя, ўрларда қор, дилларда баҳор, Турна пастлаб ўтар – элларда баҳор, Ҳоз қўниб, ғоз учар – кўлларда баҳор, Баҳор, қувонтириб келишинг яхши.

⇒ 7-бет

ОРЗУ-ҲАВАС ДЕГАНИ ШУНЧА БЎЛУРМИ ҲАЙ-ҲАЙ...



...Тўй базмида келин-куёвнинг оверупача вальсга тушиши-ю минг хил қийқим суратлар ва видеороликлар асосидаги “Love story” деб аталмиш — “ҳужжатли фильм” намойиш этиши, бу ҳам етмагандек, 5-10 талаб таниқли санъаткорларнинг тўй базмида хизматда бўлиши-ю келиннинг дугоналарига қарата гул отиши каби дабдаба-ю аъсабалар “оммавий маданият”нинг бир кўринишидан бошқа нарса эмас.

⇒ 8-бет

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ҳамкорликда ахборот майдони яратайлик

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар, ўзгариш ва жамиятнинг очилиши сари қўйилаётган дадил қадамлар дунё нигоҳида. Жумладан, Буюк Британия қироллиги, Туркия, Малайзия, Озарбайжон ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилиги Ўзбекистонни тез ривожлантиётган давлат, унинг президенти Шавкат Мирзиёевни эса “Йил одами” деб эътироф этаётгани мамлакат ҳаёти ҳақиқатларига берилган муносиб баҳо дур.

Янги очилик, сўз эркинлиги сиёсатини қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаро, фуқаролик жамияти институтларининг ҳам бурчидир. Айтиш жоиз, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан ўтказилган “Жамият ва оммавий ахборот воситалари” мавзусидаги халқаро конференция шу йўлдаги ташаббусларнинг бири бўлди.

— Бундай нуфузли анжуман вилоятларда илк бор ўтказилиши ва унинг Фарғонада ташкил этилгани ибратли воқеа бўлди, — деди анжуман модератори Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжаев.



ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

25 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Ўзбекистон-Қозғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Асқар Мамин Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қасим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика, аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.



Андижон давлат тиббиёт институти талабаларидан тuzилган жамоа Россия Федерацияси Доғистон давлат тиббиёт университетида экстремал тиббиёт бўйича ўтказилган IV Бутунроссия халқаро олимпиадасида иштирок этди.

Экстремал тиббиёт бўйича олимпиадада Беларусь, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозғистон каби давлатлардан, шунингдек, Россиянинг Челябинск, Омск, Воронеж, Волгоград, Ставрополь, Кисловодск, Тюмень шаҳарларида жойлашган тиббиёт йўналишидаги таълим муассасаларидан жамоалар иштирок этиб, голиблик учун баҳс олиб борди.

Белгиланган барча шартлар бўйича юқори натижаларга эришган андижонлик талабалар якунда учинчи ўринга сазовор бўлди.

Тошкентда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парк (IT Park) очилгандан сўнг, унинг филиаллари, биринчи навбатда, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида қурилиши маълум қилинган эди.

Наманганда IT Park филиали қурилиши бошланди. Бунинг учун 5,8 квадрат метр ер майдони ажратилди. Қурилиш ишлари ишлаб чиқилган бош режа асосида ва маҳаллий ҳокимият идоралари назорати остида олиб борилмоқда.



МУЛОҲАЗА



қачон енгамиз?..

Баҳор. Тун. Осмон қора тортган, тим қора булутларни ёриб, яшин чакнайди, гўмбурлаб момақалдирик чакяпти... Қадимдан одамлар табиатнинг бундай ҳодисасидан ваҳимага тушишган. Қўрқишган. Аммо вақт ўтиб, кўника ҳосил қилишгач, қўрқмайдиган бўлишган. Лекин осмоннинг гўмбурлаши барибир ваҳимали...

Жамиятимизда одамларни қийнаб келаётган муаммолар кўп. Аввало, уларнинг сабаби ва оқибатларини англаб етмаганликлари, тушунмаганликлари учун одамлар муаммолардан чўчишади, масала ечимини излашдан кўра, осонроқ йўлни излаб топилшади. Нега, ҳали-ҳамон амалдорлардан, “вазият эгаси” бўлганлардан кўришади? Оқибатда бу қўрқув уларга ўз ҳуқуқларини талаб қилишга йўл бермайди. Бу ерда яна бир муаммо бордек, яъни уларни ҳеч қандай ҳимоя қилмаслигини, доимо “оғзи қийшқ бўлса ҳам бойнинг боласи сўзлаши”ни билишади...

Ақсарият ҳолатларда эса аҳолининг “ҳуқуқий саводхон”лиги етишмаслиги боис, қим нима деса ҳақиқат деб тушуниш кўр-кўрона амал қилиш кўрқув сари етаклайди. Унга эргашади. Аммо кеч бўлса ҳам хато қилганини англашади. Кейин ҳуқуқатдан, давлатдан норози бўлиб, “дод-вой” қилишади. “Раҳбарлар ҳуқуқимни топтаятти”, — дейди...

Шу ўринда, одамни ўйлантирадиган муаммолар ҳам кам эмас, баъзан ўйлаб қоламан. “Қонунларимиз нега оддий одамлар тушунмайдиган қилиб ёзиларкан?..” Балки шундан улар ўз ҳуқуқини билишмас?.. Балки, қадимдан қонунлар фақат бой

ва арбоблар учун фойда келтирганидан одамлар уларни билишга қизиқшмас?..

Ачинарлиси, бунинг оқибатида порахўрлик авж олади. Ишини битказаман деб одамлар пул тикиштиришни ўрганишади. Аммо “Камбағални тўя устида ҳам ит қопади”, мақоли беҳиз айтилмагандир... Қадимда ҳам тулар, келиб-келиб камбағални тепиб кетар экан... Ҳа шундай, оқибатда барибир оддий одамлар “айбдор” бўлиб қолаверди. Энг ёмони, гарчи динимизда ҳаром қилинган бўлса-да, порага, замонавий қилиб айтганда — “коррупция”га йўл очилгандир.

Поранинг варианты оддий: берилади, олинади. Ҳадиси шарифда берган ҳам, олган ҳам баб-баробар гуноҳкорлиги ҳақида аниқ-тиниқ ёзилган... Аммо шу пайтгача, пора қамайман, пора замонавийлашиб, турланиб-тусланиб, болалаб келаяпти. Бугун коррупцияни батамом бартараф этиш ўрнига, мутахассислар уни таснифлашга киришди. Коррупцияга қарши турли тадбирлар, конференциялар, танловлар... эҳ-ҳэ, яна бир қанча йиғилишлар ўтказилаяпти. Мухими, юртимизда бу балога қарши жиддий кураш бошланганини дунё эътироф этапти.

ТАҚДИМОТ

Сирдарё мавжларида сайхун сабоси

Яқинда Гулистон шаҳридаги муҳташам ва замонавий таълим маскани — Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси “Ижод” жамоат фонди томонидан нашр этилган Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг “Танланган асарлар”и ҳамда “Сайхун саболари”, “Сирдарё мавжлари”, “Сирдарёда улугвор ўзгаришлар” номли альманах китоблари тақдимотга бағишланган адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Режеп Таййип ЭРДОҒАН, Туркия Республикаси Президенти:



“Ўзбекистон, биз учун, маданият тасаввуримизни шакллантирган олимларни етиштирган, илм, ирфон ва маданият дунёимизни таъминлаган ҳаёт булоқларимиздан энг муҳимидир.

Беруний, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Хоразмий, Али Қушчи каби олимлар, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғларимиз бизга Мовароуннаҳрнинг армуғонидир”.

(Анкара, 19 февраль. Ўзбекистон — Туркия давлат раҳбарларининг Олий даражадаги учрашувда ОАВ вакиллари учун ўтказилган брифингдаги сўздан).



ТАЛҚИН

Самимиятга асосланган дўстона муносабат

1991 йил Ўзбекистон истиқлолга эришганда мустақиллигимизни биринчилар қаторида қардош турк халқи тан олган эди. Ушанда мен ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультети I босқич талабаси эдим. Ўзбекистонга ўша вақтдаги Туркия Президенти, довурак сиёсатчи Тургут Ўзал ташриф буюрди. У пайтларда хорижлик деганда нотаниш тиллар соҳиби тушуниларди. Аммо Ўзбекистон телевидениеси намойиш этган суҳбатда туркиялик меҳмонлар турк тилида гапиришарди, у биз учун нотаниш тил эмасди, у бизга қардош тил эди. Биз келган олий даражали меҳмонларни таржимонсиз ҳам тушуна олардик. Бу Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг бошланиши эди.

— Ўзбекистонда биринчи элчихонани очган давлат ҳам бу Туркиядир. Мен ўша пайтлари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ишлар эдим, — дея хотирлайди Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, тажрибали дипломат Содиқ Сафоев. — Мустақилликнинг биринчи ойларида умуман қандай ишлаш керак, қандай қилиб келажакини кураш, четдан махсулот сотиб олсак қандай олиб келамиз? — деган саволларга жавоб тополмас эдик. Туркия Ўзбекистонга биринчи бўлиб 600 миллион долларлик кредит линиясини очди ва энг керак бўлган дори-дармонлар, озиқ-овқат махсулотларини олиб келишга шароит яратиб берганди... Лекин орадан йиллар ўтиб, айрим сабабларга кўра икки давлат сиёсатида бироз узилди, узоклашиб юз берди. Бу сир эмас. Аммо муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлганларидан кейин Туркия билан муносабатларимиз қайтадан йўлга қўйилди, ривожланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 19-20 февраль кунлари Туркияга амалий ташрифини сарҳисоб қиладиган бўлсак, икки давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик кенгаши барпо этилди. Яъни, икки давлатни узоқ муддатли ҳамкорликни қамраб олувчи нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик, ташқи сиёсат, маънавий масалаларда парламентларо масалаларни кўриб чиқадиган бир тузилма пайдо бўлди. Бу жуда катта ютуқ. Албатта, Туркияни жаҳонда тутган ўрни ниҳоятда баланд. Ўзи умуман, Туркия кўп юз йилликлар мобайнида мавқеи баланд бўлиб келган. Унинг протоколи ҳақида жавоб тополмас эдик. Туркияликлар бунга бекам кутириб қилишади.

Бугунги кунда яқин Шарқда ниҳоятда мураккаб вазият шаклланди. Туркия жалб қилинган мамлакатлар сирасига киради. Мамлакатнинг ичида миллионлаб қочқорлар бор. Бу давлат бевоқиф ҳарбий можароларда иштирок этяпти. Шунга қарамадан, Туркия давлат раҳбари Ўзбекистон Президентига алоҳида эътибор бериб, ниҳоятда мушкул масалаларни ҳам четга қўйиб, Ўзбекистон Президентини билан музокаралик учрашувлар ўтказди, ташриф довомида доим бирга бўлди. Ўзбекистон делегациясига юксак эҳтиром кўрсатди. Протоколга риоя қилмасдан, ҳаттоки, ўзи кузатишга чиқди. Бу Ўзбекистон лидерига бўлган муносабатни яқол кўрсатуви бир ҳақиқатдир.

Мен давлат раҳбарининг Туркияга ташрифидидаги бир жиҳатга эътиборингизни қаратишни хоҳлардим. Биламизки, дипломатик протоколнинг белгиланган меъёрларига мувофиқ, давлат раҳбарининг меҳмонни аэропортда кутиб олиши ва кузатиб қўйиши оdatда амалга оширилмайди. Лекин, Эрдоган ва унинг рафиқаси Ўзбекистон Республикаси раҳбари ва биринчи хонимни кузатиб қўйиш учун Анқара аэропортига келди ва бу ҳаракат бизга кўп нарсани аниқлатди.

Турғисини айтганда, шу вақтга Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган рафиқаси билан Анқаранинг «Эсенбога» аэропортида бошқа бирон-бир давлат раҳбарини кузатиб қўйганлигини бирор жойда ўқимаганман...

Айтмоқчиманки, биринчи навбатда гап фалон миллиард долларлик шартномалар, муҳим бизнес лойиҳалари ҳақида кетма-кет, чин самимиятга асосланган дўстона муносабатлар ҳақида гапирилмоқда. Яъни, бу мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилганлигининг кучли ва аниқ белгисидир.

Бу ҳар икки давлат раҳбарининг дипломатик протокол ва нормалардан ҳам юқори бўлган жуда яқин, биродарона ва ишончли муносабатлар муҳити энг юқори чўққига чиққанидан далолат беради.

Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲАЕВ,
сўёсий фанлар номзоди,
Халқаро пресс-клуб раиси.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, таниқли ижодкорлар, сирдарёлик зиёлилар, талаба-ёшлар қатнашди.

— Бугун ёшлар сиёсати мамлакатимизда энг муҳим масалалардан бирига айланди. Буни Президентимизнинг ўтган йилнинг 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда тенгдошларингиз билан учрашиб, уларнинг ўй-ташвишлари, фикр-мулоҳазалари билан

“Сайхун саболари” шеърий, “Сирдарё мавжлари” насрий китобга Сирдарёда яшаб ижод қилаётган бир қатор журналистлар, ёзувчи-шоирларнинг асарлари жамланган. Қолаверса, тўпламга эл-юртнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган, Ўзбекистон халқ шоирлари Тўра Сулаймон ва Ҳалима Худойбердиеваларнинг сара шеърлари киритилгани китобларнинг адабий-бадий қимматини янада оширган.

— Бугун биз учун қўшалоқ байрам бўла-

кашишда амалий ишлар қилишни тайинлаганди. Мана бугун ҳам насрий, ҳам назмий тўпламимиз чоп этилди. Қолаверса, Ўзбек халқининг энг халқлиқ шоирларидан бири, Сирдарёнинг фахри Тўра Сулаймоннинг “Танланган асарлари” ҳам юксак полиграфия усулда чоп этилиб, ўқувчиларга етказилганидан бошмиз осмонда.

Тақдирот анжуманида иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Маждид, таниқли

Сирдарё мавжларида сайхун сабоси



қизиққанидан ҳам кўришимиз мумкин, — деди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев. — Ушбу гўзал таълим масканини қаранг — замонавий технологиялар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналар, бой кутубхона, шинам спортзал, қўлай ётоқхона... Буларнинг барчасини яқин йилларда халқимизнинг қанотига қирадиган маърифатли ва илгор фикрловчи таянч кучимизни тарбиялаш учун ажратилган катта сармоя деб билингизлар. Ўйламанки, ушбу даргоҳдан, албатта, юртпарвар авлод етишиб чиқади.

Аввало, муҳтарам Президентимиз ёшлар масаласида илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳиятини илк бор бир йил аввал, айнан шу кунни — биз сирдарёликларга айтган ва тушунтириб берган эди. Бу ташаббус кейин бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўл оч эди, амалга оширилди, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева. — Ўша учрашууда ташаббуснинг тўртинчи қисми ҳақида — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш бўйича гапира туриб, вилоятдаги ижодкорларнинг ҳам асарларини ўқувчиларга ет-

ижодкорлар Салим Ашур, Ахрор Аҳмедов, Муҳиддин Абдусаммад ва Азизбек Анварлар Тўра Сулаймоннинг “Танланган асарлар”и ҳамда “Сайхун саболари”, “Сирдарё мавжлари” тўпламларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Гулистон давлат университетиде ҳам китобларнинг тақдироти бағишланган адабий-маърифий анжуман давом этди. Тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг фарзандлари ва ижоди илҳомчилари қатнашди.

Университет ректори Муҳсин Ҳўжаев халқимизнинг сеvimли шоири Тўра Сулаймоннинг адабий мероси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, шоир кўп йиллар университет билан яқин ҳамкорликда ишлаган, ёшларга адабий таълим — маҳорат дарслари ўтгани ҳақида гапирди ҳамда илмий жамоатчилик билан кенгаш ўтказилиб — Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймонга Гулистон давлат университетининг фахрий профессори унвони берилгани ҳам катта эҳтиром билан хотирланди.

Тадбир сўнггида университетда фаолият кўрсатаётган “Тўра Сулаймон издошлари” адабий тўғраги аъзоларининг шоирга кўрсатаётган эҳтирми ва ижодий намуналарини кечага янада фойиз бағишлади.

Мунаввар ШЕРНАЗАРОВА.

САФАР

ТУРКИЯ:

Ҳар қадамда Ўзбекистонни кўрдим



Ўрталикда нима сир-синоат бор, билмадим-у башарият пайдо бўлганидан буён ҳамма экватор чизигига яқин мамлакатларга ҳаддан зиёд кизикади. Ана шу ўрталикка жойлашган мамлакатларнинг бири — Ўзбекистон, яна бири — Туркия.

Ҳозиргача Ўзбек зиёлисининг хорижга чиққан-чиқмагани, айнан қайси мамлакатларга бориб келганининг аҳамияти йўқолган эмас. Чунки, кўп асрлар дундан узилди яшаганимиз аввалига халқни қолоқлик ботқоқига ботирди, сўнг эса мамлакатни мустамлакага айлантди. Истиқлолдан бу ёнга халқ сифатида жон талашиб, ана шу кечикишимизни, қандай қилиб бўлмасин, бартараф этиш йўлларини излаб ётибмиз.

Очигини айтганда, Америка ёки Европа бозорлари Туркия учун икки жиҳатдан ёпиқ, яъни ўзаро муносабатлар у қадар яхши эмас. Иккинчидан, у ерларда рақобат жуда баланд, гўё бир тўсиқ, уни ёриб кириш Туркия учун ҳам осон кечмайди. Шу сабабдан ҳам Марказий Осиё, хусусан, бу минтақанинг ярим аҳолиси истиқомат қиладиган Ўзбекистон — Туркия учун энг қўлай бозорлардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, ҳозирча халқимиз вакилларининг бир қисми ишлаш учун чет элларга чиқишга мажбур экан, бизга энг қўлайи — Туркия эканини эсдан чиқармаслик керак. Чунки ҳар қандай ўзга мамлакатга боририлганда тил билиш муаммоси пайдо бўлади. Ўзбекларимизнинг турк тилини ўрганиши бошқа тилларни ўрганишга нисбатан осонроқ кечади. Ўртадаги маънавий муҳит яқинлиги ўзаро ҳамкорлик қилишга имкон яратади.

Режеп Таййип Эрдоганнинг энг кўп тақдирлайдиган шоири бор: “Тек миллат, тек давлат, тек Ватан, тек байроқ!” Ўзбекчага: “Бир халқ, бир давлат, бир Ватан, бир байроқ!” — деб таржима қилиш мумкин. Ифодаси соддагина туйилгани билан, моҳиятан бу — жуда катта гап! Халқни, давлатни, Ватанни бир байроқ остида бирлаштиришга қаратилган буюк ғоя!

Ўзбекистон — аҳолисининг нуфузи жиҳатидан туркий тили мамлакатлар орасида Туркиядан кейин иккинчи ўринда туррадиган йирик давлат. Туркия биринчи гада биз билан мустақам бирликка эришмоқчи. Бу — амалда Марказий Осиёнинг янги билан ҳамкорлик таъминланди, дегани. Чунки минтақамиз умумий аҳолисининг тенг

яри Ўзбекистонда яшайди.

Дунёнинг бугунги шафқатсиз бозорида бирон-бир мамлакат бошқалар билан ўзаро бирлашмасдан, яққа-ёлғиз ҳолда рўшномлик кўра олмайдими. Халқ билиб айтган: “Яққа отинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас”.

Ўғит

1288 йили тахминан 90 ёшларда вафот этган Эртуғрул Ғозий ўғли Усмон Ғозийга шундай бир васият қилади, у кейинчалик 624 йил ҳукм сурган Усмонийлар императорларининг дастурий фалсафасига айланади. Мана, ўша ўғит: “Аллоҳи таолонинг амрларига ҳилоф бир иш қилмагайсан! Билмаганингни олимлардан сўраб, билиб олгайсан!”

Яхшилаб ўрганмагунча бир ишни бошламагайсан!

Сенга итоат этганларни хуш туттайсан!

Аскарингга инъомни, эҳсонни қаматирмагайсанки, инсон эҳсонинг қулидир!

Оламни адолат билан беза ва Аллоҳи учун хатти-ҳаракатни тарк этмаслик билан мени шод эт!

Қайдаки бир илм аҳли учираса, унга рағбат, иқбол ва ҳалимлик кўрсат!

Аскарларингга ва бойлигингга гурур келтириб, илм аҳлидан узоқлашма!

Бизнинг ишимиз Аллоҳи йўлидир ва мақсадимиз Аллоҳнинг динини ёймоқдир, ғавго кўтармоқ ва жаҳонгирлик даъвоси эмас. Сенга ҳам бу йўл ярашадир.

Доимо ҳар кимга яхшилик қилиш ҳаракатида бўл!

Мамлакат ишларини нуқсонсиз бажар!

Шаҳарнинг қишлоқдан фарқи нимада?

Маълумотларга кўра, Туркияда аҳоли сони ҳар йили 1 миллион кишига кўпайяпти. Аҳолининг 70 фоизга яқини шаҳарларда истиқомат қилади. Ҳисоб-китоб қилинганда, шаҳарда яшаётган бир фуқаронинг мамлакат иқтисодиётига келтирадиган фойдаси қишлоқда яшаётган бир фуқаронинг мамлакат иқтисодиётига келтираётган фойдасидан кўра кўпроқ экан.

Туркияда ҳар йили 16 июнь Оталар кунини, яъни эркаклар байрами нишонланади. Туркия байрамлари — таъбир жой бўлса, моддий асосга ҳам эга. Яъни, ана шу Оталар кунини арафасида айрим савдо дўконлари акциялар ўтказиб, эркакларга мўлжалланган махсулотларни 50 фоизгача чегирма билан сотади.

алоҳида шароит яратилган. Йўлакнинг бир тарафига махсул резиналар ёпиштирилган. Уларда чизик бўйлаб жойлаштирилган бўртма нуқтачалар бор. Кўзи оғир кишилар ҳассасининг учини билан ана шу чизикдан чиқмай кетаверади. Бекат ёки бурилиш келганида бўртма чизик нуқта-нуқтага айланади. Шундан бурилиш ёки бекат эканини билиб олишади.

Жамиятда бирликлар — турли-туман бўлса-да, миллат бўлиб бирлашишнинг ўрни ва аҳамияти батамом ўзгача. Туйғулар орасида энг нозиги ҳам — миллий туйғу. Кўниё эли (вилоят) бадалдиси (ҳокимияти) ҳар йили “Ўлка таниш кунлари”ни ўтказар экан. Бизнинг тушунчалар билан ифодаланганда, бу миллий маданиятлар кунларига тўғри келади.

“Ўзбекча гапирмайсизми, ока?”

Туркияда бир тиллик муҳит — ҳукмрон. Халқнинг онг-таъволида иккинчи бир тил мутлақо йўқ. Бир нарсга ёки тушунча ҳаётга кириб келса-ю унга ном қўйиш зарурати тугилса, олимлар ё мутахассислар томонидан

бир таклиф ўртага ташланади, маъқул келса, қолганлар шундайлигича қабул қилади. Чунки онг-таъволида иккинчи бир вариантнинг ўзи йўқ-да.

Масалан, “чегирма”ни “индирим” деб олишган. Ҳамма шундайча тушунади. Лекин бизда: “Фалон магазинда фалон нарса чегирма билан сотилляпти”, дейилса, ўйлаб қолсан: неча фойиз одам тушунар экан? Албатта, агар “чегирма” сўзи ўрнига “скидка”ни ишлатсангиз борми, энг чекка қишлоқлик ҳам дарров тушунади. Ҳатто, “бекат” десангиз, транспорт ҳайдовчиси ҳам сизга ўзга сайерадан тушган одамга боққандай қарайди. Чунки унингча “остановка” дейишингиз керак. Бир таксигича: “Шу ердан қайрилиб олсангиз”, десам, тушунади: “Разворот қилишим керакми?” — деб сўраб, аниқлаштириб олди. Охири: “Ўзбекча қилиб тушунтирмайсизми, ока”, ҳам деди.

Истанбулдаги Сидней меҳмонхонасига жойлашяпмиз. Ходими Ўзбек йигити экан. Унингнинг “гастербайтер”лардан. Икки ўзбек мириқиб гаплашишди:

“Завтрак борми?”

“Конечно. Фақат обед билан ужинни бир нарсга қиларсизлар. Лекин услониеларимиз — во, отлично. Проблема бўлса,

менга обращать қилаверсизлар”.

“Завтрак”, “конечно”, “обед”, “ужин”, “условие”, “отлично”, “проблема”, “обращать” деган сўзларни ишлатганидан аниқ билиниб турибдики, булар “Ўзбекча” гаплашишяпти.

Ўзимизда ёниги қуйиш шохчасини ҳамма “заправка” дейди. У ерда: “Тўлдириб қуйинг!” — десангиз, сизни хорижий тилда гапирганга чиқариб: “Нима?” — дейишади бақириб. Мажбур бўлиб: “Польный бак!” — дейсиз русчаб. У ҳам ичқиради тақсимловчига қараб кичқиради: “Польный бак!..”

Ватандин яхши ёр ўлмас

Хорижга сафарининг нимаси афзал биласизми? Хорижда ҳамма нарса бор, Ватан йўқ. Ана шуни чуқурроқ англаб етасиз. Сиз айнан она юртдан йиродасиз, ундан четга чиққансиз. Ўзга мамлакатни ҳам, унинг халқини ҳам фақат-фақат Ватанингиз ва халқингизга қиёсан кузатасиз. Ана шундай ният билан нигоҳ ташланганда, Туркиянинг ҳар қадамида Ўзбекистонни кўрдим, десам, ишонаверинг.

Султонмурод ОЛИМ.

НУҚТАИ НАЗАР

Тиллога тенг тилимизнинг тақдири



Тасаввур қилинг, ажойиб кунларнинг бирида, “барча ташкилот ва идораларда иш юритиш, ҳисоб-китоб, молия ва статистика ҳужжатлари тўлиқ ва фақат ўзбек тилида юритишга ўтилсин”, деган бир кўрсатма бериб қолинса...

Нима деб ўйлайсиз, “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига барча бандлари бекаму қўст амалга ошиб, она тилимизнинг кўкрагига шамол тега бошлайдими?
Зап иш бўларди! Аммо...

Очигини айтсам, менинг фикримча, ҳанузгача биз бунга тайёр эмасмиз. Чунки мабодо юқоридагидек кўрсатма бўлса, аксар давлат идораларида, банкларда, тиббий муассасалар ва ҳокимиятда иш юритиш мароми пасайган, қийинлашган бўларди. Бундан ўттиз йил аввал, эҳтимол бунга анча-мунча ҳозир бўлгандирми? Аммо шу орада ўзбек тилини ривожлантиришга туртки берадиган баъзи ишларни ҳужажнинг қилган бўлди-да, асосий ишни пайсалга солиб, йўққа чиқаришга қараб кетавердик. Масалан, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни кейинчалик таҳрир қилиб – ҳар ёғини эволаб, юм-юмалоқ тиш-сиз-тирноқсиз бир нарсага айлантирдик, унга амал қилса ҳам бўлади, амал қилмаса ҳам. Оқибат, идора ва ташкилотларда давлат тилида иш юрйтиладиган одам бугун сийраклашиб қолди. Ҳозир кўпгина мутахассислар она тилимизни бу орада пенсияга чиқиб кетган эски ходимлар даражасида билиши даргумон. Ҳолбуки, бунинг акси бўлиши керак эмасмиди?

Тун мамлакат бўйича олганда эса, ҳарбийча айтганда, бир-икки полк эмас, бутун бир армия тилбилармонлари керак. Уларни қаердан оламиз? Қачон тайёрлаймиз? Пессимизмда айбашларини билиб турганим ҳолда айтаманки, агар мактабларда она тилимизни ўқитиш шу зайдга давом этаверса, ўзбек тилининг чинакам давлат тили бўлиши яна мўъжиза кетадими, деб кўраман. Бунинг сабабини изоҳлаганда «килгари мустақил эмасдик, мустақил тузум эди, тилимиз камситиларди...» каби баҳона-ю зурлар ҳам керагидан ортиқроқ айтилди. Эндям шу гаплар билан ўзимизни алдаб юришнинг вақти ўтмайдими? Аслида, собиқ Иттифоқ пайтида ҳам биров бизга она тилининг билма, чуқур ўрганима, деган эмас, аксинча, рус тилини ўқитиш-ўргатиш бўйича Иттифоқ миқёсидаги конференцияларни ўзимиз ташаббус қилиб кўпгина Тошкентда ўтказардик, Кавказ, Болтиқбўйидаги биродарлар ўша пайтларда ҳам республика доирасидаги ишларини ўз она тилларида олиб боришар ва бунга биров айтирли монелик қилган ҳам эмас. Де-моқчимизки, ўзимизда фидойлик, миллатпарварлик камроқ, мана ҳозир – “Давлат тили ҳақида”ги қонун чиқарилганда буён ўргатиш йил, мустақиллик қўлга киритилган бери икки кам ўттиз йил оғди ҳақиқат, озод элимизнинг озод тилида тўлақонли иш юритишга муассар бўлолмайми.

Чунки аксар одамларга давлат тили тушунчасининг ўзи бегона, қорин тўқ, беташвиш яшайдан бошқа гами йўқ. Бунга бизга ўқитиб, тил ривожини янги босқичга кўтаришда раҳнамолик қилиши керак бўлган кўп тилшунос олимларимиз эса ўзини-ўн бешинчи даражада масалалар билан, чунончи, “Кўшма гапларда зидланувчи узвлар пресуппозицияси” каби, сарлаҳасига қарасангиз – ўта илмий, лекин моҳиятига кўра тилнинг у ёки бу ҳолатини статик тарзда кайд этишдан нарига ўтмайдиган ва тил раҳнамолик айтирлик ҳисса қўшмайдиган тор доирага оид масала билан машғул. Ахир, кўчасида инқилоб бўлаётган чоғда қай бир олим “Урта асрлар билиш назариясида руҳ феноменологиясининг ўрни” каби дақиқ бир масала билан шугулланиб ўтирадиган бўлса, унинг файласуф эмас, бошқа “беозор” шахс эканлиги тайин-ку! Бизнингча, бу борада бир-бирига боғлиқ икки катта муаммо бор. **I. Тил ўқитиш тизими** Мактаб ва олий ўқув юртилари бола нутқини ўстириш билан эмас, балки ўзбек тили грамматикасининг қондаларини ўргатиш, ёд олдириш билан машғул. Институтга киришда абитуриентнинг билими сўз туркумлари билишига, фалон жумла эргашган қўшма гапнинг қайси турига мансублигини фарқлашига қараб бўлчанапти. Тилдан хабардорлик деганда грамма-

тиқ қонун-қоидаларни қанчалик шарроқ ўрганганини тушунаймиз. Аммо бола ўтимли феъл билан ўтимсиз феълларни чалқаштириб юборса, кишилик оломошини ўзлик оломоши деб айтса, ёхуд ҳол эргаш гапни тўлдирувчи эргаш гап деб турса – мана шу қоидаларни ёдламаган бўлса, турмушда у хато гапириб, хато ёзадиган бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Бизнингча, тўғри гапириб, тўғри ёзиш учун грамматикани эгаллашнинг мутлақо аҳамияти йўқ. Шундай ҳоллар учрайдики, ўзбек тили дарслиқларидан баҳра олган одамлар грамматикани махсус ўрганган киларига нисбатан яхшироқ сўзлайдилар ҳам. Чунончи, ислом маъҳадини кечагина битирган муллаваачча тумонатга ваъз айтиди, таъсирли сўзлаб одамларни йиғлатишга қодир, аммо тилчи профессорларнинг кўпи тўрта одам олдига эплаб гапиролмайди. Шу ўринда, масалани кенгроқ кўйиб кўрайлик: тил таълимидан мақсад нима? Грамматиканинг соҳластик қоидаларини яхшилаб билиб олиши ёки ўз она тилида бурро гапириб, раво ёза олиши ўргатишимиз? Мактабларда (университетларда ҳам) тил ўргатиш нотўғри асосга қўрилган. Бизда болалар тилини эмас, балки тил ҳақидаги фаннинг муайян тармоқлари – фонетика, морфология, синтаксис... ўргатилади. Ҳолбуки, физика дарслиқларида болалар физик жараёнларни, математика дарслиқларида ҳисоб-китобни ўрганганлари каби, тил дарслиқларида ҳам тил хусусидаги фаннинг тармоқларини эмас, она тилимизнинг ўзини, ҳазаллигини, кенг имкониятлари ҳақидаги илмий ўрганиши лозим-ку! Ўтмишда тил таълими тўғри йўлга қўйилган эди. Эски мактабда сарф (морфология) ва

наҳв (синтаксис) каби махсус соҳалар ҳам ўқитилган, бироқ улар талабаларнинг анча билим ва кўникмаларни эгаллаган чоғда ўргатилган. Унга қадар эса одоб таълими (тил одоби ҳам шунга қиради. З.И.), қироат, нотиқлик, фасоҳат каби бир қанча лисоний ва байриқилсоний фанлардан сабоқ берилган. Ўрни келганда эски мактабларда тил таълими ўқитишда қўлланилган ана шундай мақбул усул ва шакллардан фойдаланиш мумкин эмасми? Мактабда тилни эндигина ўрганишга кириша бошлаган болаларга грамматика эмас, тил ўқитилиши керак. Ўқувчиларга ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидаги ўрни, мавқеи, шева-лар ва адабий тил хоссалари, она тилимизнинг миллий табиати, нутқни тўғри тузишнинг бошланғич талаблари, нутқ маданияти асослари, ифодали ўқиш ва қироат малакаси, фасоҳат ва балоғат, мантиқ ва услуб сингари ҳар бир одамга – ишчи, хизматчи, деҳқон, соҳуви, кимёгар, новвой, компьютер дастурчиси... сингариларга ҳар кун асқотадиган, яъни аввало, жонли мулоқот учун лозим бўладиган билимлар ўргатилиши керак. Ана шуларни мукамал эгаллагандан кейингина тил таълимининг олий босқичида – тилнинг товуш, сўз ва жумла қўлмидаги қонуниятлари баён қилинадиган фонетика, морфология ва синтаксис каби назарий соҳаларига ўтиш мумкин бўлар. **II. Ўзбек тили грамматикаси дарслиқлари борасида** Аслида, барча грамматика дарслиқлари ўша тилнинг табиатидан келиб чиқиб тузилади. Бу дегани, агар тиллар ўзаро генетик ва типологик жиҳатдан муштарак бўлмаса, бир тил учун тузилган грамматика иккинчи тилга тўғри келмайди. Тилнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб яратилган грамматикага ўша тилнинг хоссаларини тўғри акс эттиради ва унинг ривожига кўмак бера олади. Аммо ўзбек тилининг бугунги грамматикаси бу талабга мутлақо жавоб бермайди, чунки унинг бутун тузғи... рус грамматикасига мос. Бошқача айтганда, рус тили грамматикаси рус тилининг жусасига қараб бичиб-тиқилган либос десак, ўзбек тили кийган либос (грамматика) ўз гавдасига монанд эмас, у бошқа бировнинг кийимини кийиб олиб, ўнгайсиз аҳволга турган кишига ўхшади. Бу либосда уни таниб олиш (ўрганиш) қийин.

ТАЪЛИМ

Бобур ижоди рус мактабларида

Мактабимизда турли миллатта мансуб оила фарзандлари рус тилида таҳсил олишди. Уларга бой миллий меросимизни ўқитиш, улардан баҳраманд эттишни бир-мунча машаққатли ва мароқли жиҳатлари бор, албатта. Чунончи, улар ўзбек тилининг бугунги имкониятларидан келиб чиқиб фикрлашди, гапиришди ва мулоқотда бўлишди.



Мумтоз адабиётимиз намуналарини, айнан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганишда болалар бирмунча қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Мумтоз адабиётимизда истифода этилган сўз ва терминларни, Бобурнинг юксак даражадаги бадий маҳоратини ўқувчига етказиб бериш ўқитувчидан юқори соҳаётга талаб қилади. Дейлик, юқори синфларда Бобурнинг ушбу рубойиси ўқитилади:

*Толёй йўқи жонимга балолуғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ўрни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Бир қарашда соддагина, юрт ҳажрида, Ватан соғинчида, она-диёрдан мосуволик оғриғида битилган ушбу рубойини тамомен бошқа бир менталитетда тарбия топаётган ўқувчи қалбининг туб-тубига олиб киришини бирмунча машаққатли жиҳатлари бор, албатта. Чунончи юртин, Ватанини, оналини ташлаб ўзга бир юртга йўл олиш бошқа миллат вакиллари учун биздагидай фожияли туйулмаслиги мумкин. Эки бошқа бир рубойисида ёзади:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

Биз албатта, Бобур ижодини ўрганишда, бу асарларнинг туб мағзини чақиш учун, аввало, ўзбек бўлиб туғилиш керак, деган қарашларга амал қила олмаймиз. Чунки ҳар қандай асар умуминсоний гоиларни ўзида ифода этади ва шуниси билан умуминсоният учун хизмат қилади. Тўғри, рус тили болалар бу асарларни барибир ўзига хос акцент билан ифода қилишади. Биз учун муҳими, бу эмас. Муҳими, ўқувчи Бобур ижодини тушунишда, мағзини чақишда, унинг тушунчаларида акцент бўлмаслиги керак. Шунингдек, “Бобурнома” асарининг ўқитилиши ҳам болалар учун қизиқarli. Жаҳонга донги кетган бу асар асосида қатор бадий асарлар яратилган. Маълумотларга кўра, Флора Анна Стилинг “Бобурхон” (Париж, 1940), Фернанд Гренардин “Бобур” (Париж, 1930), Ҳаролд Лэмбнинг “Бобур-йўлбарс” (Нью-Йорк, 1961) романлари, Вамбек Гасқоннинг “Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк мўғуллар” (Нью-Йорк, 1980) эссе-романлари алоҳида эътиборга молик. Ҳиндистонлик Муни Лаъл Бобурйўлбарс тарихига асосланиб 6 та роман ёзган. Ўзбек адабиётида Ойбек, Пиримкул Қодиров, Хайриддин Султонов Бобурга бағишлаган роман, қисса ва достонлар яратдилар. Хуршид Даврон буюк ватандошимизга бағишланган “Самарқанд хаёли” қиссасини ва “Бобур соғинчи” пьесасини ёзди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси рус мактабларида ҳам Бобур ҳаёти ва ижодини ўргатишда ўзига хос ўрин тутди.

Диллора САИДУЖАЕВА,
Чилловзор туманидаги
163-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

СУҲБАТ

Китоб — жамият қайиғи

Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи мамлакатимизнинг энг нуфузли нашриётларидан бири. Бу нашриёт болангизнинг дарслик китобидан тортиб, сиз севиб ўқиган, ўқийдиган бадий асарлар ва нодир адабиётларнинг ҳам чоп этувчиси. Уларнинг зарварига камтаргина қилиб “Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи” деб ёзиб қўйилган. Лекин ўша камтар ёзувлар замирида жуда катта ижодий жамоанинг филокоруна меҳнатлари ётади. Нашриёт тарихи ҳақида эсланганда, ўтган асрнинг 80-йиллари кўп тилга олинади. Бу бежиз эмас. 80-йиллар нашриёт тарихида ўзининг энг сара бадий асарларини, ёзувчиларнинг кўп жыллик китобларини маҳорат билан чоп этганлиги билан эсда қолган. Китоб жавоннигини қараб кўринг, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Ойбек, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа ёзувчи-шоирларнинг китоблари, тўла асарлар тўпламлари, асосан, шу нашриётда чоп этилган. Бугина эмас, ушбу нашриётда китоб чоп эттириш, унча-мунча ёзувчи ё шоирнинг қўлидан келмаган. Нашриёт уйида жам бўлган кучли ижодий жамоа, бадий кенгаш сабаб ижодкор деганнинг ҳаммаси ҳам нашриёт эшигини

дан мўраလာшга ботина олишмасди. Олиб Ёқубов мактаби, Омон Матжон мактаби, Шавкат Раҳмон мактаби... бу номлар ортида нафақат уларнинг ўз асарлари, балки ўзбекининг юзини, сўзини дунёга кўрсата олган мухташам китоблар бор. Бунга Ғафур Ғулум номидаги нашриётнинг ўчмас тарихи шаҳодатлаб турибди. Бугун ақлу хушимиз кинсаликка кўнжика хосил қилиб бораётган бир пайтда нашриётнинг олдинги нуфузи сақланганми? Нашриёт мамлакатимиз ўқувчилари учун қай даражада муҳим адабиётларни нашрдан чиқараяпти? Нашриётда чиқаётган китобларнинг меҳнати салмоқли, қиймати энгил бўлиб қолмаётгани, деган саволлар атрофида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Ғафур Ғулум НМИУ бош муҳаррири Ҳабиб Абдиевга юзландик.



зар Абдулқасим, Азим Суюк каби эл ардоғидаги устоз шоирларимизнинг “Танланган асарлар”ини биз ҳеч иккиланмай, ёруғ юз билан ўқувчига тақдим эта оламиз. — **Бир пайтлар Ғафур Ғулум нашриёт адабиётга гуриллаб кириб келаётган ёш авлод асарларини чоп этиб, адабий жамоатчиликни сеҳрлаб ташлаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Адабиётга 70-80 йилларда кириб келган шоир ва ёзувчиларнинг халққа танилишида, асосан, нашриётнинг биринчи даражали вазифини бажаргани бор гап. Айтингчи, бу аънава нашриётда қай даражада давом этилпти?** — Ешларга эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Улар ўз номи билан ёш ахир. Шу маънода нашриётимизда ўтган йили бугунги кунда адабиётимизга кириб келган 10 нафар ёш ёзувчининг кўтеби чоп этилди. Бу китобларнинг дизайни ҳам, кўриниши ҳам ўзига хос бўлди. Биласизми, бу ёшларга қанчалар куч бағишлади. — **Кейинги вақтларда нашриётлар шеърый китоб чиқаришдан ҳайдиқ бўлишида. Бунга нима билан изоҳлаш мумкин, одамлар шеър ўқимай қўйишганини ёки шеър китоб чиндан соғинмайдими?**

назар ташласангиз, ўх-ўх, кимлар ишламаган бу даргоҳда. Ва ана ўша жуда узоқ бўлмаган вақт ичиде нашриёт ўзининг имижини, ўзига хос кифёсини яратишга эришган. — **Ҳабиб ака, бая Ғафур Ғулум нашриётнинг асосий йўналиши адабиёт ва санъат эканлигини айтиб ўтдингиз. Бироқ кейинги йилларда бадий адабиётлар сони бироз камаядими?** — Тўғри, ҳозир номланишида “Адабиёт ва санъат” жумласи кўрсатилмасда, бироқ шундай, нашриётнинг асосий йўналиши бадий китоблар тайёрлашдан иборат. Бозор иқтисодиётдан келиб чиқиб, барча нашриётлар қатори бизнинг нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам бозор билан бироз муроаса қилишга мажбур бўлди. Шу боис турли соҳага оид яхши китобларни, яъни энг

сара китобларни четлаб ўтганимиз йўқ. Балки сизга шундай туюлар, аммо 2019 йил нашриёт ижодий уйи 300 номдаги бадий адабиётлар нашр этди. Ундан ташқари, ношир учун сифат бирламчи бўлиши керак. Мақтанса аргизулик китоблар бор. Масалан, “Беш ташаббус — беш китоб” лойиҳаси бўйича нашр этилган бешта йирик китоб, шунингдек, 2020 йилда чоп этилган Алишер Навоийнинг “Хамса” (5 китоб) асарини шундай китоблар сирасига киритиш мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам мезёр сақланади. Нима бўлганда ҳам ўз фаолиятимизни олдимизда ниҳоятда зукко ва зийрак китобхон турганлигини назарда тутган ҳолда амалга оширамиз. Ўзбек халқ озаки ижоди ёдгорликларининг 100 жылдиги, Навоий асарлари, Назар Эшонқулнинг “Тўр ўғли” романи, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Матна-

лаверса, китоб сотувчи, китобсавдо ходимининг ўзи биринчи галда энг зукко китобхон, адабиётсевар, адабиёт тарих-ботчиси ҳам бўлиши керак. Афсуски, бугун ҳамма маркетинглар ҳақида ҳам шундай дея олмаймиз. Бу ҳам китобларнинг ўқувчига етказилишида соя ташлашди, албатта. Лекин барибир, кейинги йилларда соҳага бўлган давлат даражасидаги эътибор таъсирида чинакам адабиёт муҳлислари, дидли ва талабчан ўқувчиларнинг сафи яна тўлиб бораётганини бизни хурсанд қилади. — **Демак, китоб билан шугулланадиган ҳар қандай одамнинг бадий савияси юқори бўлиши керак, демоқчи-сиз-да?** — Айнан шундай. Нашриётнинг директоридан тортиб, оддий ишчисигача ҳар бири китобхон бўлмоғи, китобни тушуна олмоғи керак. Бу гапларим баландларвоз туюлиши мумкин, бироқ гапнинг рости шу. Яхши китобнинг қизиқиши биргина тахририятга боғлиқ эмас. Бу ерда ишлаб чиқариш бўлими, маркетинг бўлими бор — буларнинг ҳар бири шу китобнинг фақат молиявий томонини эмас, маънавий жиҳатларини ҳам чуқур ўйлаб кўрмоғи керак. Агар ишлаб чиқариш ёки маркетинг бўлимидагилар китоб ўқимаган бўлса, қанча уринманг, режалаштирилган китобнинг яхши ва илҳомий, маънавий жиҳатдан зарур эканини исботлай олмайсиз, натижада узоқ вақтлар нашриёт портфолида қолиб кетаверди. Фақат бозориги, харидориги китобни чиқараман, юзак шов-шувларга сабаб бўлган асарлардан пул ишлаб оламан, деган нашриёт ютқизади, холос. Эртага мамлакатнинг маънавий меҳварини, тафаккур умуртқасини ташкил қилган зиёлилар бу каби нашриётдан ҳафса-энгли пир бўлади ёки шундай “тарозиси энгил нашриёт” билан ижодий ҳамкорликдан юз буриб, унда китоби чиқаришнинг ўзига позим топмайди. — **Сиз узоқ йилдан буён китоб ва нашриёт соҳасида ишлаб келаятган мухташамсиз. Бугунги китоб ва муносабатини сиз қандай баҳолайсиз?**

— Мамлакатимиз раҳбарининг айнан китоб борасидаги кўрсатма ва таклифларидан кейин нашриёт ва но-

ширлик соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нашриёт ва китоб дўкоруни ўртасидаги алоқа яхшиланди. Бу эса китоблар адади ошишига жиддий таъсир ўтказмоқда. Ишонасизми, олдинги нашриётлар китобини 1000-2000 нусха чиқариладиган бўлса, бунга ҳам жиддий ўйлаб кўрарди. Бугун эса 5000 – 10000 нусха китобларни ҳам ортиқча ҳадисирамай, босмаҳонага туширяпти. Бунга аққол мисол “Биз ёдлаймиз, тез ёдлаймиз” рункида 10 нафар болалар шоирларининг китобларини 10000 нусхада чоп этилди. Қолаверса, олдинги ижодкорлар нашриёт эшикларига сарғайиб юршарди. Бугун нашриётларнинг ўзлари яхши-яхши муаллифларга китобини чоп этиш таклифи билан чиқаяпти. Шунинг ўзиде китоб ва нашриёт соҳасида жиддий қадам қўйилганлигини билдиради. — **Замон қандай кетди. Биз эса унинг билан барабар одамлар эмас, ишимиз юзга чиқмаслиги аниқ. Нашриётимизда қандай янги технологиялар асосида иш юритилмоқда?** — Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида, жажжи болажонларнинг китобга бўлган қизиқишини янада орттириш мақсадида, Ўзбекистонда илк бор болалар учун ўзбек тилида “Алдарқўса ва бой” ҳамда “Икки дўст” номли тинглаб ўқиладиган, яъни аудиоёзувчи-инновацион янги эртақ китобча нашрдан чиқди. Унда эртақ қаҳрамонлари, жониворлар ва афсонавий жонзотлар тингловчини қизиқарили, сеҳрли эртақлар оламига чорлайди. Жажжи болалар учун нашр қилинган ушбу китоб халқ эртақларидан тузилган бўлиб, унда ранг-баранг безаклар ўқувчиларнинг китоб мутолаасига бўлган меҳри ва қизиқишини орттириши шубҳасиз. Сўзимни мутафаккир зотларнинг пурҳикмат бир нақли билан тутатмоқчиман: “Китоб — жамият қайиғи. Бу қайиққа талпинмаган одам ҳалокатга юз туттиши тайин.” Бугун ана шу ҳақиқатни жамиятимизнинг ҳар би аъзоси теран англайдиган фурсат келди.

Ғўзал БЕГИМ суҳбатлашди.

Ҳамкорликда ахборот майдони яратайлик

1 Ҳа, Фаргона анжумани Қирғизистоннинг Боткен, Ўш, Тожикистоннинг Сўғд, Ўзбекистоннинг Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари, юртимиз журналистикасининг етук олим, амалиётчи ҳамда таниқли ижодкорларини бирлаштирди.

Халқаро конференцияда бири-бирдан қизқарли маърузалар, чуқур таҳлил ва амалий тақлифлар янгради.

— Биз Ўзбекистон жамиятида рўй бераётган сифат ўзгаришларини кузатиб турибмиз. Бугун ахборот тўқинларига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Биз бир-биримиздаги электрон ОАВ

Ҳа, Фаргона конференцияси ОАВ соҳа мутахассислари учун халқаро миқёсдаги ilk анжуман эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир иштирокчиси ўз фикрларини айтгиси, умумий муаммо ва уларнинг ечими хусусидаги тақлифларини билдиргиси келди.

Фарҳод Жўраев, Тожикистон Республикаси, Сўғд вилояти "Сўғд ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири:

— Ҳозир бу ерда ахборот тўқинлари тарқатиш имкони ҳақида гапирилди. Биз Сўғд вилоятида Қирғизистон, Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини бемалол кўраемиз. Радиосини эшитамиз. Менга аиниқса, "Рухсор" телевидениеси ва

ман. Бу инсонни боткенликлар ташкилотчи, икки халқ дўстлигини мустаҳкамлашга фидойи деб билади.

Мен уч тилли газета ташкил этиш, уни бир хил кўринишда тайёрлаб, бир вақтнинг ўзида учта давлатда чоп этишни тақдир этаман. Унга ҳар бир вилоят энг муҳим янгиликлар, воқеликлар ҳақида фотосуратлар, мақолалар жойласин. Бу газетани бир йилда камида 4-6 марта чикарайдик ва унга "Водий" деб ном бериш тақлифини илгари сурмоқчиман.

Азизбек Абдуллаев, "Daryo.uz" (Ўзбекистон) интернет сайти муҳбири:

— Ривожланган давлатларда аста-секин қозғош шаклидаги ахборотдан воз кечилиб, электрон шаклдаги ахборот тобора кенгроқ ўрин эгаллапти. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Тўғри, унинг фойдаланувчи ёки иштирокчисини "назорат" қилиб бўлмас. Баъзида ахлоқ қоидаларидан чиқиб кетадиган номаъруф сатрлар, гап-сўзлар ҳам учрайди. Лекин биз барибир интернет майдонига асосланган ахборот алмашуви уч тилли сайт яратганимиз ва уни йўлга қўйганимиз кулай бўлади, деб ҳисоблайман.

Саидаҳмад Шукуров, Андижон вилояти, "Андижоннома" газетаси бош муҳаррири:

— Биз умумий қарашларимиз бир-бирига яқин халқлар, давлатлар бўлсак-да, ўзимизга хос жиҳатларимиз, қонуний ва ахлоқий меъёрларимиз бор. Шундай экан, ўша ўзига хослигимизни кенгроқ тарғиб қилишимиз керак. Ўшлик ҳамкасбларимиз билан бу борада дастлабки қадам қўйган эдик. Аммо изчил бўлмадик. Конференцияда тушундиқки, барчамизда шундай истак бор экан. Биз ижодий алоқаларни тиклаш, ҳамкорликда газета чикариш тарафдоримиз.

Фаргона анжуманида олис Қўшма Штатларда туриб "Америка овози" телерадио ахборот агентлигининг махсус муҳбири Навбахор Имомова видеомуроқот тарзида анжуман иштирокчиларига мурожаат қилар экан жамият ва ОАВ муносабатлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритди.

Конференцияда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмадҷон



Мелибоев, "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани Амрулло Каримов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Жуманазар Мелиқуловлар томонидан жамият ва оммавий ахборот воситалари муносабатлари таҳлил қилинди, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Фарғонада ўтаётган мазкур конференция иштирокчиларига биз яна бир ахборот майдонини тақлиф этишлар вазирлиги хузуридаги "Дунё" ахборот агентлиги директори Садриддин Суяров. — "Дунё" айнан бугунги гоёларга ҳамроҳанг йўл танлаган. Биз ўз сайтимизда Ўзбекистонни тарғиб қилиш билан бирга бошқа давлат янгиликларига ҳам жой берамиз.

Журналистик ташкилотлар ижодий ҳамкорлик ташаббускорлари бўлиши лозим, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов. — Биз бир неча хорижий мамлакатлар Журналистлари уюшмалари билан яқин алоқалар ўрнатдик. Аммо кўшни давлатда ижод қилаётган ҳамкасбларимиз билан ҳам яқинлашимиз керак. Бугунги анжуман унга томон дадил қадамдир.

Саъдулла Ҳақимов халқаро конференция иштирокчиси бўлган Қирғизистон, Тожикистон ва юртимиздаги бир неча фаол журналистларни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Фахрий ёрлиғи" ҳамда планшетлар билан тақдирлади.

Халқаро конференцияга яқун ясар экан, анжуман модератори

сифатида Шерзодхон Қудратхўжаев унинг ишида билдирилган илмий хулосалар, амалий тақлифлар албатта, ҳаётта таъбиқ этилишига ишонч билдирди.

— Биз бир-биримизни соғинган эканмиз, юзма-юз мулоқот ўй-фикрларимиз, орзу-мақсадларимиз муштарак эканини кўрсатди, — деди у. — Бу ерда Қирғизистон ва Тожикистонда чоп этиладиган ўзбек тили нашрлар, телевидение ва радио журналистлари назаримда муҳим масалани кўтаришди. Бу журналистикага оид Ўзбекистонда чоп этилаётган илмий-амалий дарсликлар масаласи. Мен университет ректори сифатида сизлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга, ёрдам кўрсатишга тайёрман. Яқинда журналистика масалаларини қамраб олган ўн жилдлик тўплам чоп этилди. Сизларга уни юборамиз. Шунингдек, университетимиз Тожикистон ва Қирғизистон ёшларини ўқишга қабул қилишга ва журналистлар малакасини ошириш учун алоҳида гуруҳлар ташкил этишга тайёр.

Халқаро конференция давомида кўплаб савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлди. Муҳими, барчанинг фикри бир тўхтамади эди — ҳамкорликдаги ахборот майдонини ташкил этиш лозим.

Иштирокчилар шу кунги Фаргона шаҳридаги янги очилган спорт саройи, Қувасойдаги "Водий тулпорлари" от мажмуаси билан танишди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Суратларда: халқаро анжумандан лавҳалар.

Кўрқувни қачон енгамиз?..

1 Бунинг устига, одамлар айбдор бўлишдан қўриқиб, жазодан қўтилиб, иши осонроқ ботишини, муаммолари бартараф бўлишини истамли яна бора беришади. Коррупция буйича замонавий "нақллар" ҳам билмайдигани бўлади!

Энг қизиқ, порахўрлик, коррупция — миллат, элат танламас экан. Яқинда бир маълумотни ўқиб қолдим. Европада даромад кептирган медалолийҳалар танлови ўтказилар экан. Ана шундай танлов номинацияларининг бирида Би-Би-Си ижодкорлари томонидан тайёрланган "Жаннат ҳужжатлари", деб номланган телелойҳа голиб бўлибди. Бир ҳафта давомида эфирда кетиши мўлжалланган туризм ҳужжатли фильмларда амалдорлар ва бой одамлар қандай қилиб даромадларини солиқлардан яширишлари тасвирга олинган. "Ошинг ҳалол бўлса кўчада ичи!..", "Ҳалол бўлмаса — минг бир усул билан ноқонуний даромаднинг яшил!" — деганими бу? Ҳа, коррупция Фарғ давлатларида ҳам уриб, бағодай болалаб кетган экан. Ҳамма гап уларнинг журналистлари кўрқмай(и) порахўрларнинг башарасини қандай бўлса шундайлигига оммага тақдим этилишида! Халқнинг пулини ўзлаштирганлар омманинг кўз ўнгиде шарманда бўлади. Ва албатта, жазоланади. Британиялик ижодкорларга бу борада журналистик текширув олиб бориш буйича жамоат ташкилотчи кўмак берибди. Жамоатчилик назорати катта куч, шунанлик кучли... Бизда-чи...

Юртимизда ҳам сўнгги йилларда йирик амалдорлар кирдиқорларини фош қиладиган мақолалар чоп этиляпти, прокуратура хулосаси ёки олий суд қароридан кейин бўлса ҳам, масалалар тугуни монополистларимизнинг манфаатларига рўбарў келаётган бўлса-да, ечимини топаёпти. Қўриқиб турибдики, барибир олдиндан ошкор қилишга ҳамон ҚўРҚУВ БОР! Ички "цензура" бор.

Журналистларда ўз хавфсизлигидан хавотир бор. Уларнинг коррупция ҳолати, сабаби, оқибати, турларидан ҳам хабари бор. Аммо... Бу жараёнга эҳтиёт бўлиб ёндашади. Тўғри, журналистлар дахлсизлиги муаммоси бугунги кунда ўз ечимини кузатиётган долзарб масалалардир.

Энди одамлар тун, осмон, тим қора булутларни ёриб чиқаятган қақинлардан, момақалдиқорлардан қўриқмайди, бу табиий ҳодиса эканини билишади. Аммо жамиятда ноҳўя қадам қўйишдан қўриқшади. Тўғри йўлда ҳам қўқилиб кетишдан қўриқшади... Амалдаги қонунлар барча учун бирдек ишласа, балки бу кўрқув барҳам топар...

Юлдуз ОРТИҚОВА, ЎзЖОКУ ўқитувчиси.



маҳсулотидан, аввало, телекўрсатув ва радио эшиттиришларни бемалол қабул қиламиз. Бу бизнинг хабардорлик имкониятимизни кенгайтиради, — дейди "Ўш садоси" газетаси бош муҳаррири Соҳиба Шокирова. — Ўзбекистондаги чинакам сўз эркинлиги ҳақиқий демократия қарор топаётгани инъикосидир. Лекин орамизда умумий масофа яқин, ахборот маконидан фойдаланиш имкони бўлса-да, биз амалда бир-биримиздан узоқдамиз. Ҳалигача бир-бирига чегарадош давлат журналистлари бир-биримизни яқини билмаймиз. Чунки, ахборот алмасуви йўлга қўйилмаган. ОАВ ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўқ. Журналистик ташкилотларимиз ҳам ўзинча фаолият кўрсатади. Ҳолбуки, биз дунё, қитъа миқёсидаги халқаро анжуманларда учрашиб тураемиз, лекин бугунгача бундай кўринишда йиғилмадик.

радиоси жуда ёқади. Боткен телевидениесидаги фикрлар хилма-хиллигидан ички туйғуларим жўшади. Лекин ўз муносабатимни билдира олмайдим. Мен ҳамкорликдаги телекўприк ташкил этишни тақлиф қиламан. Масалан, Фаргона-Сўғд, Ўш-Сўғд, Боткен-Сўғд ўртасида бўлсин. Студияларимизга турли хил ёш, касб, қарашдаги одамларни тақлиф қилайлик. Улар ўз ҳаётлари, ташвишлари, орзу-умидлари ҳақида, бизни бирлаштириб турадиган кадриятлар тўғрисида ўйланларини айтсин. Халқимиз бир-бирини янада яхшироқ билишига имкон яратайлик.

Улукбубу Амирова, Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти, "Салам" медиа директори:

— Аввало, Фаргона халқаро конференциясини ташкил этган вилоят ҳокимияти ва шахсан Шухрат Фаниева миннатдорлик билдирмоқчи-

ТААССУФ

“Матбуот тарқатувчи” даги

қинғирликлар

ёки қўйинингдан тўкилса қўнжинггами?

Юртимизда бой-бадавлат, тўқ, фаровон турмуш кечираётганлар сони кўп, уларнинг сафи тобора ортаёпти. Албатта, бу мактовга лойик. Айни пайтда арзиманган маош олиб, камбағаллик ёқасида, ўртамеъна рўзгор тебратаятганлар ҳам кам эмас. Афсус, мана шу камхарж инсонлар сафида юртимиз тарғибот-ташвиқот машинасини ҳаракатлантираётган, элга эзгулик уруғини сочаётган, жамиятда рўй бераётган воқеа, хабар ва янгиликларни одамлар онитига тўхтовсиз етказаятган шарофти ва машаққатли касб соҳиблари — журналистлар ҳам бор.

"Қарга қарганинг кўзини қўқимайди", деган гапни кўп эшитганмиз. Буни қарангки, жиноят ишлари буйича Хоразм вилоят судида қўрилган ишда маълум бўлдики, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик жамиятининг Хоразм вилоят шўъба корхонаси раҳбарлари ўз ҳамкасбларининг ҳақини ўзлаштиришдан тап тортайдиганлардан экан. Корхона директори Ойбек Қурбонов 2017-2018 йилларда обуначилар томонидан туланган 1,3 миллиард сўм пул маблағларидан 562,3 миллион сўмини ўғлига қарашли "Урганч зиб" МЧЖга ўтказиб юборди. Шўъба корхонаси негизда ташкил этилган, "Хазорасп босмахонаси" балансида бўлган, ҳақиқий баҳоиси 750 миллион сўмлик бинони ҳам "Урганч зиб" МЧЖга 16,7 миллион сўмга "сотиб" юборди. Ўз манфаати йўлидаги "хотамтойлик" ни қаранг!

Начора, олиб борилган суд ва тергов жараёнларида матбуотчиларни "чув" туширган "матбуотчи"нинг ҳақиқий башараси кўриниб қолди. Матбуотимизнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилаётган бир пайтда қаламқашлар, тахририятларнинг она суттудай ҳалол ризқ-нарсисигага қўз олайтириш орқали мол-дунё орттиришга муҳкасида кетган бу кимсаларни қандай аташ мумкин?

Ойбек Қурбоновнинг маълумоти ўрта махсус. Шунданми, мазкур кор-

тушадиган пулнинг ўзи миллиардларча маблағни ташкил этади. Хоразмликлар ҳам газетхон одамлар. Биров қаршилик қилмаса, газета, журналларга обуна бўлишдан ўзини четга олмади. Минг-минглаб жисмоний ва юридик шахсларнинг обуна пуллари шу тарих шўъба корхонаси томон оқиб келаверади.

Текширув ҳужжатларида қайд этилишича, ўғлига тегишли корхона ушбу маблағни "Қўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар", яъни газета ва журналларни эгаларига тарқатиш соҳасидаги фаолияти учун сарфланган дейилса-да, аслида матбуот йўналишида сариқ чақчалик ҳам хизмат кўрсатмаган. Буни босмахонаси 2013 йилдан бўён бошқариб келаётган Уктам Қурбонов ҳам: "Аслида шўъба корхонаси ушбу маблағни солиқ текширувида очилиб қолган қарзларини ёпиш учун ишлатган", дея тасдиқлади.

Шу ўринда, жинойий фаолият юзасидан ўтказилган суд мажлисларида фуқаровий даъвогар сифатида қатнашган Жамолддин Расулов: "Молиявий ёрдам тадбири замиф аҳволда қорхонани моддий жиҳатдан соғломлаштириш ва оёққа турғазил мақсадида уюштирилмоғи зарур. Таассуфки, шўъба корхонаси "ёшулли"лари ушбу ибратли таомилга қиё ҳам боқишмади. Қўйинингдан тўкилса қўнжингга", қабилида иш туттишди, — деди афсус билан.

"Матбуот тарқатувчи" АЖнинг Хоразм вилояти шўъба корхонаси билан обуна ва нашрларни чакана сотиш буйича ҳар йили ҳамкорлик қилиб келаётган "Хоразм ҳақиқати", "Хоразмская правда", "Янгиариқ овози", "Гулран ҳаёти", "Хоразм маърифати" каби газеталар тахририятлари моддий ва молиявий жиҳатдан мураккаб

ҳолга тушиб қолганига қарамай, қатор етакчи нашрларнинг обуна пули, яъни 1 миллиард 366 миллион сўм маблағи кўр-кўрона ўзга шахсларга "тортиқ" қилиб юборилганига нима дейсиз?!

Шу тарих шўъба корхонанинг мўмайгина маблағи моддий ёрдам баҳонасида "ёшулли" О.Қурбоновнинг ўғли А.Қурбоновга қарашли "Урганч зиб" масъулияти чекланган жамиятига, 2017-2018 йиллар оралиғида, шунчаки "ҳиммат" этиб ўтказиб юборган маблағи 934,2 миллион сўмин, амалда уюштирилмаган обуна (ушбу жамият аспиди обуна иши билан шуғулланмади) тадбирлари учун 314,7 миллион, кўрсатилмаган хизматлар учун эса 116,9 миллион, жами 1 миллиард 366 миллион сўмини ташкил этган.

Қинғир иш шу билан тўхтади дейсими, йўқ, яна газак олди. Шундай қилиб, "Матбуот тарқатувчи"га мутлақ алоқаси бўлмаган "Интеллект сервис" МЧЖ 10 миллион, "Жабберган Кумуш" фермер хўжалиги 3,5 миллион, "Сирли Жайхун дарё" хусусий корхонаси 20 миллион, "Ахмад чўпон" фермер хўжалиги 5 миллион сўм ёрдам пули билан сиёланди. Келишув шартномаларга биноан ўтказилган маблағ маълум фоизлари билан эгасига қайтарилиши керак эди. Аммо бу масала муаллақлигича қолган. Энг муҳим жойи, моддий ёрдам бегонанинг эмас, асосан "ёшулли"нинг ўз яқинлари ҳисоб-рақамидан жой олди. "Ўзим хон, қўланкам майдон", дегани шу бўлса керак-да...

Ҳаётда бир бор йўл қўйилган хато диёнатли одамлар учун катта сабоқ бўлади, ўзалигини билган инсон борки, қалтис ва хатарли манзилларга қайта қадам босмайди. Бу тоифадаги одамлар инсонийликка иснод амалларни такроран ихтиёр этмайдилар. Аф-

сус, шўъба корхона мутасаддилари диёнатдан анча йироқ одамлар экан. Ҳатто содир этилган талон-торож ва унинг ортидан қўзғатилган жиноят иши ҳам мутасаддилар учун сабоқ бўлмади. Аксинча, қилмишини хаспўшлаш ва изини яширишга қаратилган ҳаракатлар юз берди. "Моддий ёрдам" маблағларини орта қайтарш муддати ўтиб кетгани, бу ҳол тергов ва тафтиш учун яна бир дастақка, айбдор тарафга эса чинакам "бош оғриғи"га айланди. Шу боис, "Етиб қолгунча отиб қол" қабилида иш туттиди. Муқаддам расмийлаштирилган шартнома ҳужжатлари матни ўзгартирилди, тўлов мuddатлари эса анча ортага сурилган янги ёзувлар билан тўлдирилди. Бошқача айтганда, бир қинғирлик бошқасига уланди. Ачинарлиси, зикр этилган янги ёзувлар тергов-тафтиш тадбирлари олиб борилган бир паллада рўй берган.

Корхонада гоҳ бош ҳисобчи, гоҳ директор вазифасини бажарган М. Нурматова судда айбланувчи мақомида қўрсатма берад экан, раҳбарлик вазифасини амалда бош ҳисобчи О.Қурбонов ўтагани, ўзи эса доимо унинг измида бўлгани, қўрсатмаларини қанда қилмай бажарганини очиқчасига тан олди.

Судда гувоҳлик берган "Хоразм ҳақиқати" ва "Хоразмская правда" газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири С. Раҳимберганава обуна тадбирлари асосан "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ва "Хоразм почтаси" орқали уюштирилиши, мазкур ташкилотлар обуна маблағларини бошида бир қисмини, сўнгра қолганини ҳисоб-рақамга ўтказиб бериши шарт эканлиги, бироқ, бу мажбурият

йил якунида ҳам бажарилмаганини таъкидлади. "Янгиариқ овози" газетаси вакили Ж.Юсупов эса корхона раҳбари О.Қурбоновга доир неча бор мурожаат қилганини, аммо бундан бирон натижа чиқмаганини, тахририят шўъба корхонадан 33,9 миллион сўм миқдордаги пулини ҳамон ундирма олганини айтди.

Ғайриқонуний ҳаракатлари учун жаъвогарликка тортилган шўъба корхонаси собиқ директори Ойбек Қурбоновни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзлаштириш ёки қарздорлик йўли билан ўзганин мулкни талон-торож қилишга оид 167-моддаси 3-қисми "а" ва "г" бандлари, хошимим ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлигига доир 205-ҳақда 209-моддаларининг 2-қисми "а" банди буйича айбли, деб толган бўлса-да, суд жараёнида тахририятларнинг ноқонуний ўзлаштирилган 619 миллион сўм маблағи ва "Хазорасп босмахонаси" МЧЖга қарашли 740 миллион сўмлик мол-мулклар эгаларига қайтарилгани инобата олинди. Кодекснинг жазони енгиллатишга қаратилган 57-моддасини айбнинг баъзи ҳолатлари буйича қўллаш мақсада мувофиқ ҳисобланди.

Жазони енгиллатувчи ҳолатлар табиийки, бағрикентликка етаклади. Айбланувчиларга озоқлиқдан маҳрум этиш билан болглик бўлмаган жазо тайинланди.


Улукбек БАҚДУРДИЕВ, жиноят ишлари буйича Хоразм вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи, Абдулла СОБИРОВ, журналист.



ИХТИРО

Дунёда ақлий ўйин турлари кўп. Айниқса, рақибинг ҳам сенга ўхшаб фикр юритиб, донга сурайдиган ўйин устаси бўлса, баҳс қизиқарли кечади. Албатта, мағлуб бўлишни ҳеч ким истамайди. Ҳалаба қилсанг, гўё Ҳимолай тоғини забт этган альпинист каби ўзингни мағрур тутасан.

“Ку-Сам” тафаккур ўйини



“Ку-Сам” ўйини ҳақида балки эшитмагандирсиз, чунки, ихтиро қилинганга ўн йил бўлганига қарамай кўпчилик яхши баҳардор эмас. Бунинг эса ўзига яраша сабаблари бор. Сиз ҳам ўйин номига қараб Япония ёки Корея мамлакатини хаёлингизга келтирманг, бу баҳс тури ўзимизники: Ўзбекистонда ихтиро қилинди. Ихтиро муаллифи Кушодбек Усмонов тахририятимизга келиб, қизиқарли бу ўйин ҳақида гапирди берди. “Ку-Сам” — бироз шахмат, нардага ўхшаш ақлий ўйинлар сирасига кирса-да, унинг ўзига хос жозибали услублари, фикри тиниқлаштирадиган томонлари борга ўхшайди.

— Мен болалигимдан шахмат, шашка ўйинига қизиқардим. Нега шунга ўхшаш бошқа хил ўйин тури бизда йўқ, боболаримиз дунё илмига улкан ҳисса қўшганлар, нахотки одамларни фикрлашга ундайдиган, уларда тафаккур уйғотадиган қизиқарли ўйин ўйлаб топишмаган, деган ҳаёлар узок йиллар давомида мени тарқ этмасди.

Мақтабда ўқирдим. Бир кун миямга “агар шахматни тўрт киши ўйнаса нима бўлади”, деган фикр келди. Шу тарихда “Ку-Сам”нинг илк лойиҳасини қозоғза тушира бошладим...

Йиллар ўтди, мен ихтиро қила бошлаган янги ўйин тури такомиллашиб борди. Албатта, математика фанидан дарс берган устозим Абдулжаҳид Икромовдан маслаҳат олиб турдим. У киши: “Сен яратмоқчи бўлган ўйин инсоннинг тафаккурини уйғотсин. У бар-

камолликка интилиб яшасин”, деди...
Мана, ўзингиз кўриб турганингиздек, мен ихтиро қилган “Ку-Сам” баҳси одамларда кузатувчанлик, сезгирлик, топқирлик қобилиятини ўстиради. Сиз донга суришдан олдин ёнингизда турган учта рақибингизнинг ҳаракати билан ҳам ҳисоблашасиз, яъни фикрлай бошлайсиз. Дарров миянгизда ўйинга қарши ўйин тактикасини ишлаб чиқасиз ва қобилиятингизни ишга солиб, донга қарши донга сурасиз. Демак, сизда тафаккур куртаклапти. Натижа эса битта — фақат ғалаба! Бунда ўз ютуғингиздан гурурланиш кайфияти шаклланади.

Яна бир томони, бу ўйин сизни доим ҳаракатда бўлишга ундайди. Чунки, “Ку-Сам” ўйини орқали доимий равишда фикрингизни чархлаб борасиз, бутун вужудингизда хотиржамликни ҳис қиласиз, бир сўз билан айтганда, миянгиз дам олади, танангизда қон айланиши тезлашади, — деб изоҳ беради ихтиро муаллифи Кушодбек Усмонов.

Кушод ака тахририятимизга келганда, содда, камсуқум, камтарона хулқ-атвор эгаси, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек хушмуомалали бу одамнинг бунақа ихтироларига кўл урганга, аввалгилар, ишонқирамай қарадик. Лекин мазкур ихтиро учун Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, беихтиёр халқимизнинг: “Камтарга — камол”, деган нақли эсга тушди.

Аввалига ўйиннинг номла-ниши бизни қизиқтирди. Ихтирочи Кушодбек Усмоновдан сўраганимизда, у киши: “Ку-Сам” аслида “Кушодбекнинг ўзбекона самимий ўйини” дегани”, дея изоҳ берди.

Бу ақлий ўйин республика “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” ярмаркасида стол устидаги интеллектуал спорт тури сифатида намойиш этилгани, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг “Ташаббус” кўрик-танловига муносиб тақдирлангани чиндан ҳам бу ўйин кишида фикр уйғотади-ган, мулоҳаза юритиб, тафаккур ҳосил қилишда ақлий санлоҳият борлигига янада ишонч уйғотади.

— Биласизми, бу ихтирони яратганимдан кейин, дунё халқларидан мана шундай ўйин тури борми ё йўқми, деган фикрда кутубхоналарга кириб, спортга оид китобларни кўздан кечирдим. Йўқ, “Ку-Сам” ўйини ҳали Ер юзидан бошқа кашф этилмаган экан. Негаки, ҳеч бир китобда охириги 50 йил ичида дунёнинг йирик давлатлари реестрида қайд этилганга ва оммавий ахборот воситаларида ҳам бу ҳусусда бирор сўз юритилмаган.

Тарихдан биласиз, эра-миздан аввалги 3000-йилларда Ҳиндистонда шахмат (шатранж), милодди 100-йилларда Россияда 64 катакли рус шашкаси кашф қилинган. Ушанда айрим “каллали” одамлар: “Шу ҳам ўйинми?” — дейишган экан. “Ку-Сам” ўйинига патент олишга роса юрганман. Аввалига ҳеч ким тан олишмади. Бундай



ўйин ҳали яратилмаганини исботлаганимдан сўнг, 2010 йилга келиб патент олишга муваффақ бўлдим.

Фақат... Энди уни омма-лаштириш масаласи муаммо туғдирапти. Тўғри, Олий ва ўрта махсус, Маданият вази-рликлари қўллаб-қувватлагани сабабли кўпгина олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида “Ку-Сам” тўғраги иш бошлади. Улар Ўзбекистон “Савдо бирлашмаси” мар-кази МЧЖ бошқаруви ҳисоб-рақамига маблағ ўтказишди, биз ўз корхонамизда “Ку-Сам” доскалари ва тошларини ясаб бердик.

Лекин бу етарли эмас. **Мен ушбу ўйин, аввало, олимпияда кенгрок оммалашиб, сўнг дунё спорт турлари қатори-дан жой олишини хоҳ-лайман. Бунинг учун инвесторлар кўмаги керак. Республика Инновацион ривожла-ниш вазирлиги, Ўзбе-кистон савдо-саноат палатаси ушбу мусо-бақа турини молиялаш-тириш масаласида жиддий эътибор қарат-са, Олий ва ўрта мах-сус, Халқ таълими ва Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари бу ўйинни “Умид ниҳолла-ри”, “Баркамол авлод” Универсиада мусобақа-ларига киритсалар, оламшумул воқеа бўларди.**

Қолаверса, мамлака-тимизда “Ку-Сам” ўйини мусобақаси ташкил этилиб, кейин-чалик халқаро турнир-лар ўтказилса, катта янгилик бўлар эди, — дейди К.Усмонов.

Тахририятимизда ушбу ўйин доскасида ҳамкасблар билан ўзаро баҳслашдик. Билдикки, шахмат ёки шаш-ка ўйини икки киши ўртасида кечади. “Ку-Сам”ни эса юқорида айтилганидек, тўрт киши ўйнайди. Уларнинг ичи-дан фақат бир киши мағлуб бўлади. Шахматда 64 та ка-такда, шашкада 32 хонада оқ ва қора доналар ўртасида “тахтни эгаллаш учун жанг” кечса, “Ку-Сам”да бу ҳолат 48 та рақамланган хонада, му-раккаб “жанг” стратегиясини қўллаган ҳолда амалга оши-рилади. Бу ўйин шашкадан анча мураккаб, шахматдан эса қолишмайдиган баҳс тури эканига ўзимиз ишонч ҳосил қилдик.

— Мен яратган ўйинда кўшимча хоналар 12 та бўлиб, улар 4 та оқдий, 4 та рағбат ва 4 та жарима хонасидан иборат, — деб тушунтиради ихтирочи К.Усмонов. — Ўйин давомида бу хоналардан ҳар ким ўз эҳтиёжидан келиб чи-қиб, хохласа фойдаланади, хохламаса йўқ. “Ку-Сам” ўйи-нида фигуралар сони 16 та бўлиб, ўйин столининг тўрт тарафидан тўртта сектор — А, Б, В, Дда жойлашади. Ҳар бир ўйинчининг шох, вазир, саркарда ва жангчиси бўла-ди. Улар 108 та хонада ҳара-катланади. Яъни, ёрдамчи хо-налар — ҳар ўйинчида учта-дан бўлиб, улар “рағбат” — яшил, “финал-старт” оқ ва “жарима” қизил рангда тас-вирланган. Бундан ташқари, секторнинг чап томонда ўн икки катакдан иборат тўртта “асир” хонаси мавжуд. Ўйин қондасига асосан 4 та фигу-ра бир хонада бўлиши мум-кин эмас, — дейди К.Усмонов.

Бизга маълумки, шахмат ва шашка иккита рангдан иборат, “Ку-Сам” тахтаси эса мафтункор ва сержило кама-лак рангда. Бу ранглар кўзга дам беради, кайфиятни кўта-ради, гашликни кетказди. Шахматда шох ҳаракатлана олмай қолса “мот” бўлади, шашкада тошлар тугаса ёки юришга имкон қолмаса, ўйин якунланади. “Ку-Сам”да эса ўйинчининг шох, вазир, саркарда ва аскар “СТАРТ” хо-насидан чиқиб, 48 та жангу жа-дал хоналарини босиб ўтиб, “ФИНАЛ”га етиб борса, ғолиб бўлади. Ким биринчи бўлиб 4 та фигурани “ФИНАЛ”га олиб чиқса, ўша биринчи, қол-ганлар мос равишда иккинчи ва учинчи ўрин соҳиби ҳисоб-ланади. Тўртинчи ўйинчининг эса мағлубиятни тан олиши-дан ўзга чораси қолмайди.

— Ўйинда рағбат хонасига кирган фигураларнинг тахта-да юриш имконияти икки ҳиссага кўпаяди. Яъни, аскар 2 хона, саркарда 4 хона, ва-зир 6 хона, шох 8 хона юриш-га ҳақли. Ҳалаба қозонмоқчи бўлсангиз, рақибингизнинг “асир” хонасига тушиб қол-манг. Илҳож борица уларни асирга олиб, “хиёс” хонала-рингизни тўлдириш, бу ютуқ гаровидир. “Ку-Сам”нинг яна бир қулайлиги, уни шаш-беш билан ҳам ўйнаса бўлади. Тош ташлаганда қайси рақам тушса, фигура ўша хонага қўйилади.

Мағлубиятга етакловчи йўл эса ўйинчининг биринчи юришдаёқ икки марта хато қилса унга мағлубият ёзилади. Ҳар бир ўйинчи фигура йўқотмасликни ўйлаб, муло-ҳаза ва ҳисоб-китоб қилади, бу инсонни бир сўзга бўлишга, хато қилмасликка ва мулоҳазали бўлишга ҳам ундайди, — дейди К.Усмонов.

Олдиндаги рақиб фигура-сини уриб, асирга олиш учун ҳаракат қилиш ва орқадан кел-ётган рақиб тошига “асир” тушмасликка интилиш ҳар бир ўйинчини оғоҳ бўлишга чор-лайди. Демак, “Ку-Сам” мусо-бақаси фақатгина чигалёзди ўйини эмас, балки ҳар томон-лама фойдалаи ақлий ўйин, яъни инсон тафаккурини та-комиллаштирадиган интелек-туал баҳслардан биридир.

Юсуф ЖўРАЕВ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

ВЬЕТНАМДА ИЛК БОР КЎЛ ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Вьетнамлик шифокорлар тирик донордан илк бор кўл трансплантациясини ўтказдилар, — деб ёзади “Куан дон нхан дан” газетаси.



Бош шифокор Май Хонг Банг таъкидлаганидек, ушбу операция трансплантологияда янги қадам бўлган. Операция 8 соат давом этган. Операция жароҳларга 36 та мушак, иккита суяк ва кўплаб тўқималарни бир-бирига улаш заруратини юклаган. Операция ту-гаши биланок бемор янги қўлидаги бармоқларини ҳара-катлантирган. Эндиликда эса кўлини бемалол ҳаракат-лантираётгани хабар қилинган.

АФФОНИСТОНДА ХАМ КОРОНАВИРУС АНИКЛАНДИ

Коронавирусни юқтириш билан боғлиқ ҳолат Афғонистон ва Кувайтда ҳам қайд этилди. Кувайт соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Эрондан қайтган уч фуқаро-да коронавирус аниқланган.



Афғонистон соғлиқни сақлаш вазири Фирӯзиддин Фирӯзнинг таъкидлашича, мамлакатда илк бор COVID-19 вирусини юқтирган шахс қайд этилди. Вазир сўзларига кўра, бемор Хирот вилоятида бўлиб, бу ерда фавуқлод-да ҳолат эълон қилинди.

Хиротдаги коронавируси Эроннинг Қум шаҳридан қайт-ган маҳаллий фуқарога топилгани тахмин қилинапти.

ЭНГ ХАРИДОРГИР АВТОМАШИНА

“Ravon NEXIA R3” Қозоғистонда энг харидорғир энгил автомобилга айлан-ди.



“Ўзавтосаноат” кон-церни матбуот хизмати-га кўра, ўтган ойда кўшни мамлакатда 449 та ушбу русумдаги ав-томобиль сотилган. Бу ўтган даврга нисбатан 20 фоиз юқори кўрсаткичдир.

2019 йили Қозоғистонда жами 3536 донга “Ravon R3”лар сотилган. Қозоғистонда сотилаётган “Нексия”ларнинг нархи қанча экани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Олмаотадаги ав-тосалонларда, шунингдек, ravon.kz сайтыда “R3” модели 3 469 000 тенге (ҳозирги курс бўйича 86 725 000 сўм)дан 4 199 000 тенге (104 975 000 сўм)гача тақлиф қилинмоқда.

ҒАЛАБА ПАРАДИГГАЧА ПИЁДА

Сербиялик нафа-қахўр Милован Милутинович 9 май кун Москвада бўлиб ўтадиган Ғалаба парадни кўриш учун ўзи туғилган Москва-га пиёда йўл олди. Бу ҳақда В92 пор-тали хабар бермоқда.



У кунга 40 км. юришни ният қилганини айтди. «Мен тайёрман ва қишинг қаҳратон совуғидан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмайман», — деди 72 ёшли Милутино-вич. У мағлуб бўлган немис аскарлари ҳам Россиянинг каттиқ совуқларидан азият чекканини айтган.

Пенсионер шунингдек, хурматга сазовор бўлган Рос-сия президенти Владимир Путин билан қўл бериб кўриш-моқчи эканлигини таъкидлаган.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

2001 йили Тошкент давлат тиббиёт билим юрти томони-дан Мирзабоева Нозима Боҳодировна номига берилган № 483085 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2016 йили Тошкент давлат техника университети томони-дан Худойқулов Достонжон Ўқтам ўғли номига берилган № 1754 сонли баҳолов (зачётка) дафтарчаси йўқолганлиги са-бабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тиллога тенг тилимизнинг тақдири

3 Чунончи, сўзлар икки йирик — мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари-га тақсимланар эмиш. Сўз туркумлари эса оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, рус тилидаги каби ол-тита: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш (буларнинг саналиш тартибигача бир хил). Ёрдамчи сўзлар туркуми ҳам худди русча-дагидай — айнан бешта, бу тур-кумлар ҳар бирининг у ёки бу грамматик ҳолатини изоҳловчи ўнлаб ва юзлаб ички атамалар ҳамда уларнинг бутун-бутун тизи-ми (масалан, фазовий глагол — фазали феъл, выделятельно-ог-раничительные частицы — айи-рув-чегаралов юктамалари...), шунингдек, келишлар сонининг рус тилидаги падежлар каби ай-нан олтита эканлиги... ўнлаб шун-дай айнанликлар борки, бу ўзбек тилининг ҳозирги сарфиёти та-момила русча қолипдан чиққани-ни кўрсатади.

Синтаксис соҳасидаги мутелик эса яна кўп. Гапнинг эга ва ке-сим каби бош бўлақлар (главные члены предложения)га, аниқлов-чи, тўлдирувчи ва ҳол (определе-ние, дополнение и обстоя-тельство) сингари иккинчи дара-жали бўлақлар (второстепенные члены предложения)га бўлиниши, содда гап ва қўшма гап, содда гапларнинг ва қўшма гапларнинг турлари, буларнинг шакл-шамойили ва номи... барчаси ўзбек тили синтаксисини рус тили синтаксисини ўзига татбиқ этиб олганига далилдир. Бугунги ўзбек тилишунослигига оид мингдан ортиқ истилоҳлар ҳам русчадан айнан таржима қилиб олинган.

Бошқа тил вакилларига ўзбек-чани ўргатишга мўлжаллаб чоп этилган кўплаб ўқув қўлланмала-ри ҳам ана шу аллоздаги грам-матикани ўқитишга мўлжалланган. Улар бу дарсликлар асосида ўзбек тилини ўргана олмаслиги аниқ. Чунки, ҳозирги грамматика асосида ўзбек тилини ўрганиш

нафақат бошқа миллат кишила-ри, балки ўзбекларнинг ўзига ҳам мушкул.

Мен турк тили юзасидан Тур-кияда ёки уйғур тили бўйича Шинжонда яратилган миллий грамматика намуналари билан танишишни жуда истар эдим. Ҳар ҳолда, улар ўз грамматика-ларини рус тили қолипига мос-лаб эмас, балки турк, уйғур тил-ларининг миллий табиатидан кели-б чиқиб яратган бўлсалар ке-рак. Бу эса туркий тиллар бўйи-ча кўп дарслиғу қўлланмаларни тўғри тузишга, камчиликларни бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди.

Хуллас, ўзбек тилини ўқитиш-ўргатишда ҳозир шакланган хо-сластик аъналардан, яъни ҳадеб грамматикани тиқштиришдан воз кечиб, асосий эътиборни нутқ ўстиришга қаратиш лозим. Грамматикага келсак, унинг тузи-лиши тубдан ислоҳ қилиб, она тилимизнинг миллий табиатидан

келиб чиққан ҳолда, мустақил миллий грамматикани яратиш зарур. Шундай дарсликларгина ўзбек тилининг табиати ҳақида тўғри тасаввур бера олади.

Шу кунларда давлат тили тўғрисидаги қонун яна кун тар-тибига чиқяпти. Бу борада Пре-зидентимиз айтганидай, “ура-ура” қилиб, қонун қабул қилиш ке-рак деб иш қилиш ноўрин. Қонун қабул қилганда ҳам виждондан ўтказиш: хўш, бу қонунни ким ба-жаради, деган саволдан келиб чиқиб лозим.

Бу талотўп дунёнинг авзойи шундайки, тўрт минг киши га-ллашадиган бир тил сақланиб қолиб, тўрт миллион кишининг она тили йўқликка юз тугиши ҳам мумкин. Бу энди айни тил вакил-ларининг фидойилигига, ватан-парварлигига боғлиқ. Нега ватан-парварлик деяпмиз? Чунки ҳар бир эл-халқнинг ватани энг аввало унинг она тилидир. Ҳам бўлмаса миллат, миллатсиз Ва-

тан бўлмайди. Демак, тил — кўзи-мининг қорачиги каби азиз.

Пировардида ўзбек тили бус-бутун давлат тилига айланиши учун ўта шарт бўлган бир омил ҳақида ҳам айтиб ўтайлик.

Маълумки, инсон руҳиятида шахсий манфаатдорлик туйғуси кучли. Ўзбекларда эса аиниқса. Биз она тилини яхши билиб, давлат ишини шу тилда юри-тишдан шахсан ўзимиз манфа-атдор бўлишимизни англасак борми, тамом, бошқа биров биз-га етиб бўпти. Чунончи, ҳар қан-дай даражадаги раҳбарликка тайинлашда шу кадрнинг давлат тили бўйича имтиҳондаги нати-жаси ҳисобга олинса, харбий, тиббий, техникавий, диплома-тик, илмий ва ҳокazo даражалар беришда, малакалар учун атте-стациядан ўтказишда ходимлар-нинг ўзбек тилини қай даража-да билиши бўйича саволлар ҳам ўртага қўйиладиган бўлса... ишон-нинг, барча муаммолар ўз-ўзи-

дан ҳал бўлади. Демак, тил ва бирон йилга қолиб-қолмаёқ ўзбек тили амал-да чинакам давлат тили бўлиб ишлаш бошлайди.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз-дан мудоао шуки, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрда қабул қилган “Ўзбек тилини дав-лат тили сифатида нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фар-мониди: “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий ман-фаатларини таъминлаш, бу бо-рада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тили-ни асраб-авайлаш ва ривожланти-риш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”, дейилгани биз учун дастуриямал бўлмоғи шарт. Демак, ушбу Фармоннинг ижросини таъминлашда устувор вазифаларга биринчи ғалда эъти-бор қаратишимиз лозим.

Зуҳриддин ИСОМИДИНОВ.

Саломатликка сарфланган сармоя



“Туронбанк” АТБ кўмагида пойтахтимиздаги Генотехнология клиникасига замонавий ускуналар олиб келинди

“Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмалари айнан “Туронбанк” АТБ тизими фаолиятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

“Туронбанк” АТБ тизимида рақамли технологияларни қўллаш, замонавий банк амалиёти, янги банк маҳсулотларини жорий этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Нима бўлганда ҳам мижозларнинг банклар эшигида умидли-умидсиз ўтирадиган замоналари ўтиб кетганлиги аён. Чунки амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳада барча банклар қатори “Туронбанк” АТБ фаолияти ҳам тобора замонавийлашиб, мижозлар учун қулайлик ва имкониятлар кўламини кенгайтириб бораётганини кўриш мумкин.

“Лойиҳалар фабрикаси”

Ҳа, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек айнан тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “лоийҳалар фабрикаси” бугун банк учун ҳам, аҳоли учун ҳам манфаатли бўлаётганлиги, шубҳасиз. Ана шундай лойиҳа муаллифларидан бири Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Генотехнология» масъулияти чекланган жамиятидир. 2015 йилда фаолият бошлаган корхона мамлакатимизда биринчилардан бўлиб амалий тиббиётда юқори технологияли молекуляр генетик ёндашувларни жорий этди. Яъни, генотехнология лабораторияси орқали хромосома, ирсий ва саратон-гематологик касалликлари ва тромбофилия билан оғриган беморлар сифатли текширилиб, уларга аниқ ташхислар қўйилади. Шунингдек, ушбу клиникада барча зарурий молекуляр генетик ва ситогенетик тадқиқотлар ҳам ўтказилиши аҳамиятлидир. Диагностикада қўлланадиган ёндашувлар ўзига хос ишланмалар ва замонавий молекуляр диагностика усуллари асосланган. Эндиликда эса “Туронбанк” АТБ кўмагида амалга оширган лойиҳаси билан мамлакатимиз ҳаётида мутлақо янгиланишларга бой турмуш тарзини бошлаб беришига шубҳа йўқ.

Яқин ўтмишни бир эсланг!

Бундан бир неча йил аввал оғир касаллик билан хасталанган ёки мурракб жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун юртдошларимиз Ҳиндистон, Туркия, Япония, Исроил, Германия сингари яқин ва узоқ хориж давлатларига бориб, катта миқдорда пул сарфлашга мажбур бўлишар эди. Сабаби, халқимизнинг замонавий тиббий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлиқ қондириш, соҳага энг сўнгги русумдаги технологияларни жалб қилиш, асосийси хусусий тиббиёт тармоғини жадал ривожлантириш йўлида мамлакатимизда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар талайгина эди.

Икки йилда икки мингта тиббиёт муассасаси

Давлатимиз раҳбари ҳам ҳар сафар тиббиёт ходимлари билан учрашувда айна шу жиҳатларга тўхталиб, соғлиқни сақлаш тармоғида хусусий

...Лабораториямизда биокимёвий таҳлил, гормонал ва иммунитет ҳолатини баҳолашни ўз ичига олган 1000 дан ортиқ синовлар ўтказилади. “Туронбанк” билан ҳамкорликда эса биз ўз қувватларимизни янада ошириб, 2,5 миллиард сўмлик молиявий кредит эвазига молекуляр генетик лабораториямизни замонавий технологиялар билан жиҳозладик, — дейди «Генотехнология» МЧЖ раҳбари Жамол Хўжаҳмедов.



секторни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишни кучайтириш, шу турдаги муассасаларнинг аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўплаб вазифаларни белгиланган эди. Хаттоки, 2017 йилда “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарор ҳам қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу улғувор вазифалар ижросини таъминлашда “Туронбанк” АТБ ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшмоқда.

Натижада қисқа вақт ичида хусусий тиббиёт муассасалари учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими такомиллашти-

рилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметологиядан ташқари бошқа йўналишлардаги хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди. Бу каби имкониятлар самараси ўлароқ юртимизда сўнгги икки йилда 2 мингта яқин янги хусусий тиббиёт муассасаси фаолияти йўлга қўйилди.

Замонавий хизматлар...

— Айтиш жоизки, биз ўсимта белгиларининг диагностикаси ва тадқиқни ўрганиб, онкомолекуляр ва онкологик касалликларда минимал қолдиқларни кузатамиз. Шунингдек, ирсий касалликлар асосида вужудга келаётган генлардаги нуқсонлар, уларнинг турли хил патологик ҳолатларга мойиллиги ҳам клиникамизда замонавий технологиялар асосида текширилади. Лабораториямизда биокимёвий таҳлил, гормонал ва иммунитет ҳолатини баҳолашни ўз ичига олган 1000 дан ортиқ синовлар ўтказилади. “Туронбанк” билан ҳамкорликда эса биз ўз қувватларимизни янада ошириб, 2,5 миллиард сўмлик молиявий кредит эвазига молекуляр генетик лабораториямизни замонавий технологиялар билан жиҳозладик, — дейди «Генотехнология» МЧЖ раҳбари Жамол Хўжаҳмедов.

— Шу ўринда қўшимча қилиш мумкин, айна соҳада олиб борилган ишлар самараси ўлароқ бугун яна кўплаб клиникаларимиз компьютер томограф, рақамли рентген, ультратовуш таҳлил, электроэнцефалограф, эхокардиограф каби замонавий лаборатория ва диагностика воситалари билан жиҳозланмоқда. Улар орқали эса тўқима ва ҳужайраларда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил этиш, касалликларга эрта босқичда аниқ ташхис қўйиш имкониятлари яратилди.

Оператив муолажа ёхуд “Туронбанк” АТБнинг тезкор ёрдами

Қолаверса, юқори технологияли усуллардаги оператив муолажаларни кенгайтириш бўйича тараққий этган мамлакатлардаги етакчи клиникалар билан ҳам ўзаро тажриба алмашиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Россия, АҚШ, Германия, Исроил, Буюк Британия, Ҳиндистон сингари давлатларнинг етакчи тиббий-илмий марказлари билан халқаро алоқалар янада мустаҳкамланиб, жаҳон тиббиётининг илғор тажрибалари чуқур ўрганилмоқда. Кардиология, эндокринология, гинекология ва бошқа йўналишларда янгича оператив даволаш амалиётлари жорий этилмоқда.

Бундай эзгу ишлар жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини соғлиқни сақлаш тизимида кенг татбиқ этиш, юртимизнинг барча ҳудудлари, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолига кўрсатилаётган замонавий тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш, эл саломатлигини асраш, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишда муҳим қадам бўлади. Бу жараёнда эса “Туронбанк” тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак беришга доим тайёр.

Эътироф этиш жоиз, бугун банклар ўз фаолиятида мисли кўрилмаган янгиланишларга юз тутмоқда. Хусусан, “Туронбанк” АТБ кўмагида пойтахтимиздаги Генотехнология клиникасига олиб келинган замонавий тиббий ускуналар бунинг ёрқин бир далилидир. Ушбу тиббий ускуналар ёрдамида бундан буёғига қайсидир касалликлар эрта босқичда аниқланади, бемор ташхисларида ноаниқликлар бўлиб, ҳам вақтини, ҳам маблағини йўқотмайди. Бу хизматларнинг ортида турган “Туронбанк” АТБ фаолияти эса янгиланишлар сари қўйган қадамлари баробарида кенг қулоқ эзиб бораверади. Чунки кредитда ҳам кредит бор-да. Ахир кредит олиб, иш бошлаганларнинг ҳаммасининг ҳам иши “беш” бўлмаётганлиги қундай аён-ку! “Туронбанк” АТБ томонидан ушбу хизматларга йўналтирилаётган сармоя эса ўзини оқлабгина қолмай, узоқ йиллик тарих зарваракларига ҳам ўз муҳрини қўйса, ажаб эмас.

МАШХУРЛАР ҲАЁТИ

1857 йил Париж шаҳрида энг шов-шувли судлардан бири бўлиб ўтмоқда. Бу судда француз ва дунё адабиётининг таниқли шоири, танқидчиси, символизм асосчиларидан бири — илк дафъа “лаънатланган шоир” дея аталган Шарль Пьер Бодлернинг “Ёвузлик чечаклари” китобидаги исёнкор шеърлари учун жазо ҳукми ўқилаётган. Китобдаги шеърлари ниҳоятда кескин ва реалистик руҳда бўлишига қарамай, Бодлер ўзини ҳимоя қилишга уринмасди. Бу шеърларга бўлган таъналарга қарши турмасликнинг сабаби эса иддао этилганидек динга қарши чиқиш эмас, ижтимоий қадриятларни таҳқир этганида эди... Судга қақирилган Бодлер “шоирни шеъри сабаб суд қилмоқ, актёрни ўйнаган ролдаги жинояти учун жазоламоқ билан баробар”, дея жавоб қайтаради.

Шеъри учун жазоланган шоир


Шоир суд қилинди, ўша замон француз қонунлари бўйича жазоланди. Бироқ шоирни жазога тортган ушбу китоб бутун дунё китобхонлари меҳрини қозонди. Шуҳрат билан шарафланди. Асрлардан асрларга ўтувчи мумтоз асарга айланди.

Шарль Бодлер дунёга келганда отаси Франсуа Бодлер 62 ёшда, онаси эса бор-йўғи 27 ёшда эди. Франсуа Бодлер рассомлик билан машғул бўлгани учун ўғлини тез-тез санъат галерияси ва музейларга олиб борар, рассом дўстлари ила таништирар экан унда ҳам тасвирий санъат ва ижодга ҳавасни шакллантирарди.

Олти ёшида отасидан айрилган Шарльнинг бутун ҳаёти ва ижодида салбий таъсир қилган ҳодиса эса онасининг “хиёнати” — эрининг вафотидан сўнг генерал Осип билан оила қургани бўлди. Бу турмуш унинг бутун ҳаётига ва ёзганларига ўз таъсирини ўтказган.

Шеърлари илк мартаба 22 ёшида чоп қилинган шоирнинг дунёга машҳур бўлишида, ўз адабий лабораториясини яратишида муҳим давр 1840 йиллар боши ва 1850 йиллар охири бўлди. Ўз адабий фаолиятини эса француз рассоми Жак Луи Давид асарлари ҳақида танқидий мақолалар ёзишдан бошлади.

Унинг энг машҳур асари “Ёвузлик чечаклари” тўпламидир. Бу китоб Европа модернизмнинг бошланиши



сифатида тан олинган. Бодлернинг шеърларида ҳаёт-ўлим, ёвузлик, камбағаллик ва очлик, маъшум жиноятларнинг ҳукмронлигидан ҳалос қилиш бош мезон ҳисобланади.

Дунё азалдан шундай қурилган ва уни ўзгартирмоқ мумкин эмас. Ёвузлик инсоннинг ҳамиша ҳамроҳи. Бодлернинг адабий қахрамонлари буни чуқур ҳис қилади. Асосий масала эса шоирнинг бунга муносабати қандай бўлишидир. Шоирнинг дунёдаги

ва ўзидаги ёвузликларга қарши руҳда ёзилган шеърлари жуда кўп. Бу шеърларда у зулматдан азоб чекди. Франсуа Рене де Шатобрианинг фикрича ёвузлик дунё “хаста”лигидир ва бу хасталиқдан адабиёт яратиш бўлмади. Бодлер эса ёвузликдан ҳам гўзаллик яратмоқ мумкинлигини аниқлади. Сўнгра бу “хасталиқ” унда муқимлашиб, тузалмас ҳолга келади, ижоднинг бирдан-бир мавзусига айланади.

Бу шеърларда шоир манфийда мусбат, ўлимга гўзаллик, гуноҳда лаззат борлигини айтади ва буни ўзгача бир гўзал шаклда тасвирлайди. Бодлер ёвузликнинг инсонни ўзига тортувчи гўзаллигини кўрсатади. Тўпламнинг номи ҳам бу ғоядан яралган бўлиб — ёвузлик чечаклари — яъни, унинг гўзаллиги. Гуноҳ ва ёвузликнинг берган завқи жуда оз. Унда севинч ва даҳшат, лаззат ва нафрат каби ҳислар қоришади ва одамларни оханрабодек ўзига тортади. У мактубларида бу шеърларга бутун юрагини, севгисини, нафратини, ишончини бағишлаганини ёзади. Самимият ва ҳалоллик, ҳар нарсанинг асли каби — муболағасиз тасвири фақат “Ёвузлик чечаклари”даги шеърлари учунгина эмас, Бодлернинг бутун ижоди учун асос ҳисобланади.

Китоб “Қайғу ва йўлбошчи”, “Париж лавҳалари”, “Шароб”, “Ёвузлик чечаклари”, “Этироз” ва “Ўлим” номи олти бўлимдан иборат. Бу балки ички боғланган ягона поэтик тўпламдир, шеърларнинг биронтасини олиб ташлаш бутун китобга таъсир кўрсатади. Шеърларнинг асосий мавзуси азоб, йўқотиш, умидсизлик билан боғлиқ.

Бу китобдан кейин бир неча асарларини чоп қилдирди, бироқ ҳеч қайси бири “Ёвузлик чечаклари” каби назарга тушмаган ва шуҳрат қозонмаган. Бодлер учун муҳим ҳодисалардан бири маънавий дўсти атаган Эдгар Аллан Поининг ижоди билан таниш бўлишидир. Умри давомида Поининг ижодига бўлган қизиқиши йўқолмаган, унинг асарларини француз тилига таржима қилади.

Бодлер бир мuddат Брюсселда яшайди ва у ерда оғир хасталикка чалинади. У таносил касалига йўлқани тўғрисида бирон сўз ёзмаган. Онаси Шарльни Парижга олиб кетади ва муолажани шу ерда давом эттиради. Шоир 1867 йилнинг августда 46 ёшида вафот этади. Бодлер бутун ҳаёти давомида нафрат билан қараган, уни онасидан айирган одам — ўғай отаси Осип ёнига дафн қилнади.

Рус тилидан Раҳмат БОБОЖОН таржимаси.

ЎЛМАС САТРАП

Баҳор, соғинтириб келишимг яхши

Ота макон

Тошларин тавоф қил, тупроғин ўп,
Гардин кўзга суртиб тугросини ўп,
Ҳар саҳар юкиниб байроғини ўп,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Бошинг қўйиб топин остонасига,
Зог йўлата кўрма Арк-қалъасига,
Ҳамиша тайёр тур ҳимоясига,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Сайҳуни, Жайҳуни жавоҳир, лаъли,
Тоғлари тамалли, боғлари болли,
Тақдиримиз шу эл биландир боғли,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Арқони давлатин йўли бир бўлсин,
Юрган йўлларида нафс асир бўлсин,
Тахт-тож, салтанати мудом сир бўлсин,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Кўки кўланкасиз — офтобли,ойли,
Фуқаросин кўнгли Химолой бўйли,
Серфарзанд, сердавлат, хайрли қўйли,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Азалдан ардоқли ор-номусли эл,
Тўқсон тўққиз боғли, бий, бўлисли эл,
Сабр-қаноатли, қут, қомусли эл,
Бу Ота Макондир, Бу Она Юртдир,
Бу қадим Турондир — жон ичра жондир.

Кўрдим

Кўрдим, кўрдим дунёни
Ҳамиша бир кам кўрдим.
Яхшини армон бирла
Ёмонни бекам кўрдим.

Бағри бутунларни бут,
Елғизни ғариб кўрдим.
Бирда нодон, ножинсни
Майдонда голиб кўрдим.

Ҳақларни мудом бирдай,
Ялқовни ёрти кўрдим.
Кўнгли очик зотларни
Хотамдан ортқ кўрдим.

Бирларни аро йўлда,
Бирни армонли кўрдим.
Бирда мунофиқларни
Давру давронли кўрдим.

Бирларни дунёпараст,
Бирни имонли кўрдим.
Нопокни шод, донони
Юраги қонли кўрдим.

Бирларни безътиқод,
Бирларни риё кўрдим.
Бирларни ўз элига
Тамом маҳлиё кўрдим.

Бирда кўриб ўқиндим
Оёқни бош ўрнида,
Лаъл ўрнида сополни,
Гавҳарни тош ўрнида.

Вожаб, бирда кўрдим
Қулни хоқон ўрнида,
Бирда кўрдим лолани
Бир қатра қон ўрнида.

Бирда кўриб лол қолдим
Дарёни сой ўрнида.
Кувёш ўрнида юлдуз,
Юлдузни ой ўрнида.

Гул бир ён, чаман бир ён

Синглим Коммунага

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён,
Сарви, санобармидир? — Соч бир ён, сўман бир ён,
Саҳар, субҳи содиқда муш бир ён, мужгон бир ён,
Тун пардасин тортса гар,
Ой бир ён, осмон бир ён.

Ўсган боғига алқов, ўстирган боғбонига,
Хавфу хатардан сақлай келган соябонига,
Андалиб кўнар, зоглар қўнолмас бўстонига,
Мақтовига мен бир ён,
Борлиқ суҳандон бир ён.

Ҳақим зоти бор ерда дард бир ён, дармон бир ён.
Еринг жафоба бўлса, уй бир ён, зиндон бир ён.
Икки жон бир бўлмаса — шам бир ён, шамдон бир ён.
Айри бўлса йўлар,
Туг бир ён, тугён бир ён.

Кўриқчиси бўлардим боғимда унар бўлса,
Кузим келмай баҳорим қайта бошланар бўлса,
Солмоначиси бўлай, магар у Қамар бўлса,
Қасам ичиб айтаман:
намак бир ён, нон бир ён.

Қумри, савоа ошён айлар бир гулафшон бу,
Бир кокили Сир бўлса, ул бири Зарафшон бу,
Илоҳий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу,
Керак бўлса магар жон,
жон бир ён, жаҳон бир ён.

Бу оламда Ой танҳо, муборак Қувёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичинда бир шу эзма қош танҳо.
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,
Гўрўғли султон бир ён,
Тўра Сулаймон бир ён.



Тўра СУЛАЙМОН

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон 1934 йилда туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тугатган. Шоирнинг «Мен қайга борар бўлсам» (1965), «Жаҳонгашта» (1970), «Ҳамкишлоқларим» (1973), «Илтизор» (1973), «Сирдарё кўшиқлари» (1974), «Илтижо» (1976), «Алҳазар» (1976), «Тўйбоши» (1977), «Сизни эсламан» (1980), «Коракўзгинам» (1981), «Гулшан» (1988), «Сарвиноз» (1990), «Харсанг» (1994), «Жаҳоннома» (1996), «Гул бир ён, чаман бир ён» (1996), «Ёвқочди» (1998), «Сайҳон» (2003), «Мамлакатнинг таянч нуқтаси» (2004) китоблари нашр этилган. Кўплаб шеърлари кўшиқ қилинган. Шоир 2005 йилда оламдан ўтган. Яқинда «Шарк» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси томонидан шоирнинг «Сайланма» китоби чоп этилди.

Саждагоҳ

Киндик қоним томган саждагоҳимсан,
Икки олам чеки — байдиргоҳимсан,
Учиб-қўнар жойим — қўналгоҳимсан,
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Оху зорим етиб-етмай фалакка,
Ёвлар қуришвида қолсам-да якка,
Хорлиқ етса ҳамки суяк-суякка,
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Бағрингда ётмоқлик қилмаса насиб,
Кузгунинг қисмати менга муносиб,
Тана бирла тупроқ асли таносиб,
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Оғоч отга минсам,бўзлаб қолар ким?
Юрган йўлларимни излаб қолар ким?
Мендин не илинжлар кўзлаб қолар ким?
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Кайдин келиб, ё Раб, кетурмиз қайга,
Югуриб-елиш йўқ беташиви жойга,
Барчага бирдай жой — бойга, гаёйга,
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Рўзи маҳшаргача бирга бўларим,
Майса, гуёҳ бўлиб бирга унарим,
Бирга ёниб мудом бирга сўнарим,
Жон бера билмасмен сендин бўлакка.

Тебратар

Шамол шамолни тебратар.
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмғирини тебратар.
Ёмғир тупроқни тебратар.
Тупроқ майсани тебратар.
Майса бияни тебратар.
Бия қимзини тебратар.
Қимиз йиғитни тебратар.
Йиғит сулувени тебратар.
Сулув бешиқни тебратар.
Бешиқ болани тебратар.
Болка дунёни тебратар.

Соғиниш

Ўсма қўйди кўккам уфқ қошига,
Сел урилди дарё, ўзан тошига,
Сўфитўрайи кўнди уват бошига,
Баҳор, соғинтириб келишимг яхши.

Яйловларда майса қимтир қўй-қўйи,
Дарёга шифо чавқар бия қимизи.
Қопланмасдан гулга буткул қир юзи,
Баҳор, соғинтириб келишимг яхши.

Сирли туйилади мажнунтол таги,
Жилга, сой бўйлари, тоғлар этаги,
Энди ниш урғанда бодом кўртаги,
Баҳор, соғинтириб келишимг яхши.

Қоя, ўрларда қор, дилларда баҳор,
Турна настлаб ўтар — элларда баҳор,
Ҳоз қўниб, ғоз учар — кўлларда баҳор,
Баҳор, қувонтириб келишимг яхши.

ХИКОЯ

Тун ярим, дил ярим...

Яримлаб қолган тамақини чуқур тортасан, паға-паға кўкимтир тутун бурқсиб чиқади. Паришон дуд оғушида қаршингдаги Қиз ғойиб бўлгандек, руҳинг энгил тортгандек бўлади.

Эртақнинг Ярми

Тутун тарқалгач, Қизнинг кўз узмай турганини кўрасан. Хона аччиқ тутунга тўлиб кетади. Қизнинг кўзлари ачишиб, намланади, бироқ бу азоблар ҳеч нарса эмас дегандек, интизор боқади. Қиз остонада ҳукмингни кутиб турган чўридек, сенинг бир оғиз сўзингга маҳтал. Сен устуворлигиндан, ҳукмфармонлигиндан ҳузур қилиб, мийингидга куласан. Куласану юрагингни кўринмас бир қўл шафқатсиз гижимлайди. «Ох, Унинг эшигида бир умр кул бўлиб ўтишга ҳам рози бўлардим» — ичиндан аламли нидо чиқади.

— Нега куляпсиз?— сўрайди Қиз.
— Узим шундай, — дейсан сен.
— Менинг устимдан куляпсизми? — дейди у гуноҳкор овозда.
— Йўқ, ўзимнинг устимдан куляпман.
Сенинг рост гапингга Қиз ўзини ишонгандек қилиб кўрсатади, ишонолмаганини яширади.
Тун яримлаб қолган, бахт ҳам...
Ташқаридан шамолнинг увиллаши эшитилади. Бу сас деразининг тирқишидан эмас, сенинг бўм-бўш, ҳувиллаган қалбингдан келаётгандек, қаён қочиши бил-

май қоласан. — Тиззангизга бош қўйсам майлими? — сўрайсан Қиздан. Сен учун жонидан ҳам кечишга тайёр турган қиздан шунинг ҳам сўраб ўтириш ҳақоратдек туйилади унинг учун. Қизнинг тиззасига бош қўйиб, кўзларингни юмасан. Қиз но-зик ва хароратсиз туйилган бармоқлари билан сочингни силаганида, бу дунёда бахтсизлик не эканини аниқлаб етасан. Қиз ҳаловатингни бузиб қўйишдан чўчиб, охи-ста сўрайди:
— Айтмайсизми?
— Нимани?
— Бир гап айтаман, дегандингиз.
— Келганингиздан буён неча гаплар айтдим, шулардан биттасидир-да.
— Йўқ... Айтинг.
— Нимани айтмай?
— Нега бошқа қизларнинг эмас, менинг тиззамга бош қўйяпсиз, шунинг айтинг. Хоҳласангиз...
— Чунки... — «Сен ўзинг келдинг» дея олмайсан, гапининг қолганини ютиб юборасан. Қизнинг энти-киб, майин титраб кетганини ҳис қиласан. — Билмадим, эҳтимол шунинг хохлагандирман.
— Нега хоҳлагингиз, шунинг айтинг, — дадиллашади Қиз.
— Билмадим...
— Қиз муштоқлик билан сен-

дан сўз кутади. Йўқ, ўзинг-ни алдай олмайсан, Қизни ҳам. Бу сўз дунёда ягона бир қизга аталган эди, афсус... Тун ярим, армон ҳам...
— Эртақ айтиб берайми? — сўрайсан Қиздан. Қиз не д а н д и р у м и д в о р бўлиб сергакланади. Яна битта тамақни тутатасан.
— Бор экану йўқ экан, оч экану тўқ экан, бир йигит бўлган экан. Олгану олдирмаган, енггану енгилмаган, ўзгану бўзиммаган, хуллас, йигит бўлиб ҳали сазаси ўлмаган экан. Билагида кучи, юрагида ўти жўш урган йигит баногоҳ Қувёшга ошику бекорор бўлибди. Йўталсам осмон гулдирайди, қоқилсам ер қалдирайди, нахот шу Қувёшга етиша олмасам, дебди йигит. Йигити Қувёшни мўлжаллаб соққон отибди. Отибди-ю ўқи Қувёшга эмас, Ойга тушибди. Энди йигити қўлида Ой, ғуссага ботганича Қувёшга қараб бўзлар эмиш.

Муҳаммад ШАРИФ



Муаллиф ҳақида:
Муҳаммад Шариф 1968 йил Наманган вилояти, Косонсой туманининг Гўрмиррон қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тахсил олган (1988-1993). 2014 йили «С.А. хотиралари» кассаси Марказий Осиенинг бешта мамлакат ижодкорлари учун ўтказилган новеллалар конкурсида бешта энг яхши асарлардан бири сифатида голиб топилиб, инглиз ва рус тилларига таржима қилинди. Ёзувчининг илк хикоялар тўплами — «Толқўприк» китоби нашр этилган.

Алкисса, қувёшга қараб соққон отсанг, ойга тушармиш. Сен узок сукут сақлайсан.
— Шу холосми? — ажабланиб сўрайди Қиз.
— Шу холос, — хўрсинасан сен.
— Кейин-чи, йигит нима қилибди?
«Дарҳақиқат, йигит энди нима қилади?», ўйлайсан эртақни қандай давом эттиришни билмай. Ва ниҳоят...
— Қолганини кейин айтаман, — дейсан оғриниб, яримлаб қолган тамақини қулдонда узок эзғилайсан. Тун зада, кўнгил зада...

ОФРИК

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор қабул қилинган. Шунга мувофиқ 2020 йил 1 январдан «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор асосида тасдиқланган Низом кучга кирганлигидан халқимиз яхши хабардор. Чунки бу ҳақда телевидение ва матбуотда, ижтимоий тармоқларда жуда кўп бора сўз юритилди. Жойларда эса ана шу масалала кўплаб тадбирлар, тушунтириш ишлари, тарғибот-ташвиқот юмушлари ўтказилиб келинмоқда.

Орзу-ҳавас дегани шунча бўлурми ХАЙ-ХАЙ...

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу Низом ижроси қай даражада таъминланаётгани мутасаддилар иштирокида атрофлича таҳлил қилинди.

— Албатта, тегишли ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бораёмиз. Қолаверса, тўйхона эгаларига тушунтириш ишлари олиб борилди. Аслида турнақатор қимматбаҳо автомашиналардан иборат кортеж ташкил қилиниши, тўй базмида келин-куёвнинг оврупа-ча вальсга тушиши-ю минг хил қийқим суратлар ва видеороликлар асосидаги "Love story" деб аталмиш — "ҳужжатли фильм" номийиш этиши, бу ҳам етмагандек, 5-10 талаб таниқли санъаткорларнинг тўй базмида хизматда бўлиши-ю келиннинг дугоналарига қарата гул отиши каби дабдаба-ю асасалар "оммавий маданият"нинг бир кўринишидан бошқа нарса эмас. Бундай бачкана ва ортиқча сарф-харажатларни талаб этадиган, энг муҳими миллий қадриятларимизга мутлақо мос кел-

майдиган "одатлар"га чек қўйишнинг аллақачон вақти келди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев. — Маълумки, тўйларни тартибга солиш борасида ўтган аср бошида жадид боболаримиз ҳам ҳаракат қилишган. Айтайлик, Маҳмудхўжа Бехбудий бобомиз: *"Тўй ва аза каби икки қаттол душман оёғимизга тушов бўлиб турибди. Тўй ва таъзияга сарфлаб турган ақчаларимизни таълимга сарфласак. Оврўпа каби тараққий топган бўлардик"*, дея бежиз ёзмаган эди. Тараққиётга тўсиқ бўлаётган тўйлардаги ортиқча дабдабозликлар, ўзини бошқаларга кўз-кўз қилиш сингари майлар афсуски тўхтамади, балки бизнинг даврга келиб янада авж олди. Ўйлаб кўрайлик, халқимизда бундай урф-одатлар бўлганми? Албатта, йўқ!

"Шундай экан, яъни тўйларимизни тартибга солувчи ҳужжат қабул қилинган бўлса-да, нега амалий натижалар у қадар сезилмаяпти?" деган саволга

Б.Сайфуллаев шундай жавоб берди: — Очигини айтсам, шунча тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, ҳамон тўйларни дабдабали ўтказишга, узун кортежлар ташкил қилишни истаётган юртдошларимиз учраб турибди. Демак, ҳали қилаётган ишларимиз, жойларда ўтказаетган тушунтириш ва тарғибот масалалари, кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас.

Кўпинча ижтимоий тармоқларда "Аҳоли муаммолари ўрганилмоқда", "Тўй ўтказишдаги мусобақаларга чек қўйиладими?", "Тўй-ҳашамлар тўғрисидаги қарор кучга кирди" сингари постлар тарқатилади. Шу ўринда бир масалага, айниқса, блогерлар эътиборини қаратмоқчиман. Оилавий тадбирларни ихчам, намунали ўтказиш юза-

сидан қабул қилинган қарорда "тўй-ҳашам" деган жумла йўқ. Ахир биз айнан ортиқча ҳашамга қарши курашиш мақсадида қарор қабул қилдик. Таассуфки, парламент қарорини мана шундай ном билан ёритаётган айрим матбуот нашрлари ҳам йўқ эмас.

Матбуот вакиллари билан бўлган мулоқотда аниқ ва маълум далиллар билан таъкидландики, ҳали тўйлар ва бошқа оилавий маросимлар масаласида муаммолар етарлича. Хўш, нима қилмоқ керак? Қаттиқроқ чора, жавобгарлик жорий қилмоқ керакми? Орзу-ҳавас деганлари ўзини, нафсини шу қадар кўз-кўз қилиш деганими? Алалхусус, халқимиз тўй қилиш маданиятини қачон эгаллайди. Бизнингча, бу тарбия, бу маданият хар бир оилада, маҳаллада доимий сингдириб борилиши керак.

Феруза РАҲИМОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ТАФАККУР

Ёмон феълли кишидан ҳаромдан нарҳез қиландек нарҳез қилинлар.

Абу Бакр Варроқ ТЕРМИЗИЙ.

Бекорчилик ва айш-ишират нафақат подонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг тугилишига ҳам сабаб бўлади.

Абу Али ибн СИНО.

Ишнинг қулайини ахтармак ялқовликдир, қулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк унумли ишлар қулайда бўлмас.

ФИТРАТ.

Тана — нафас жуда ҳам ярамас хилқатдир, уни ардоқлаган сайин ёвузлиги ортиб бораверади.

Юсуф Хос ХОЖИБ.

Мол ва дунёга мағрур бўлуб, ҳар кимга ҳақорат кўзи ила қараган кишилар тезгина ўзлари ҳам хор ва ҳақоратга дучор бўлурлар.

Абулла АВЛОНИЙ.

Мол ҳаммага маҳбуб (севимли)дир. Ҳар кимда мол бўлса, унга таъзим қилади.

Агар унинг қўлидан кетса, ёнига йўламайдилар.

Хожа Ахрор ВАЛИЙ.

Кимки адовату хусуматни экса, албатта, у тавишу машаққат ўради.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Реклама ҳуқуқи асосида

QISHLOQQURILISHBANK

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ
«ЯНГИ МАҚСАД»
ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

омонат муддати — 370 кундан 550 кунгача

фоиз ставкаси — йиллик 21%

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+998) 78-150-93-39, 78-150-72-58 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ҲУҚУҚ

Инсон турмуш ташвишлари билан бўлиб, баъзан бурч ва масъулиятини унутиб қўяр экан. Айниқса, фарзандлари олдидаги масъулиятни унутиб, эҳтимол ўзини унутгандай тутишни кечириб бўлмайди. Бунди муқаддас динимиз ҳам қоралайди. Бундай пайтда, инсон омилига амал қиладиган қонунларимиз отанинг фарзандига нисбатан ноҳақлик қилмаслиги қондаларига адолатли ёндашади.

Шерали Жўраев 2035 йилгача алимент пулларини тўлади

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2019 йил 28 февралдаги буйруғига асосан, Мажбурий ижро бюросининг Шўрчи туман бўлими иш юритувида бўлган фуқаро хорижга чиқиш истагини билдириб, мурожаат қилганда давлат ижрочилари томонидан унга вояга етмаган фарзанди таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун

гаров шартномаси тузилган тақдирда четга чиқиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришди.

Қарздорлиги бор фуқароларнинг хорижга чиқишига чеклов борлигини билиб, Шерали Жўраев ушбу чекловларни барта-раф этиш мақсадида, собиқ турмуш ўртоғи билан ўзаро келишиб олди. Унга кўра, фарзандининг 18 ёшгача бўлган алимент пулларини, яъни шу вақтгача тўламай келган қарзла-

рини тўлиқ қоплаган ҳолда, кўшимча 2035 йилгача бўлган муддат учун жами 105 миллион сўмини олдиндан тўлади.

Ҳа, қонун барчага барбар эканлигини унутмаслик керак.

А.УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий маҳкамаси бошқарма катта инспектори.
Ҳ.ҚОДИРОВ,
"Hurriyat" мухбири

БУРЧ

Мардлик ва шижоат кўрсатишди

Фавқулодда вазиятлар вазири Академиясида ҳам ўқув жараёнини такомиллаштиришга, назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Академия курсантлари ўқув ёнғин-қутқарув, фавқулодда вазиятлар ва оқибатда юзага келаётган ҳар қандай кескин ҳолатларда тўғри ҳаракат ва қатъий қарор қабул қилиш, касбий маҳорат ҳамда амалий кўникмаларини шакллантиришда олаётган назарий ишларини амалиётда самарали қўллаб келишмоқда.

Улар катта канал ўзанида сувда кўриниб-кўринмай оқиб кетаётган, руҳий хасталиги бўлган фуқарони қутқариб, унинг яқинларига топширишди.

Таъкидлаш жоизки, албатта, юксак жисмоний тайёргарликка ҳамда ҳарбий-қутқарув амалиётига эга бўлган ҳар бир курсант қутқарувчидек шарафли касбини сид-қидилдан бажаради. Академияда таҳсил олаёт-

ган бўлажак қутқарувчилар юқоридагидек, қатъийли ва жасур, ҳар қандай ҳолатда одамларга ёрдами тегадиган мард инсонлар эканлигини амалда исботлашмоқда. Ҳа, шундай. Ўз касбига садоқатли, мард ва фидойи шахслар ибратли фаолиятлари ила эл-юрт фахрига айланади.

Фарҳод ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси ўқитувчиси, капитан.

АТБ "Қишлоққурилишбанк" жамоаси банк Бошқаруви раиси ўринбосари
Ин Жу КИМнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.